

ИОСИФ СТАЛИН

Интернет материаллари асосида
тайёрланди

«Барча халқлар отаси» вафотининг навбатдаги нишонланиши яна бир бор неосталинизм янги тўлқинини юзага келтирди. Бундай кайфиятлар барқарорлиги ва «доҳий» фаолиятига берилган жиддий танкидий баҳолар кам сонли эканлигига ҳайрон қолишдан бошқа илож йўқ.

2016 йил февраль ойининг охирида ўтказилган Левада-марказ сўрови шуни кўрсатадики, сўровда иштирок этганларнинг 40 фоизга яқини Сталин даври ёмонликдан кўра кўпроқ яхшилик олиб келган деб ҳисоблайди. 1994 йилнинг августида бу нуқтаи назарга россияликларнинг атиги 18 фоизи – 22 банд камроқ қўшилгани ажабланарлидир. 2012 йилнинг октябрида эса бундай шахслар сони 27 фоизни ташкил қилди.

Шу муносабат билан Рус православ черкови ташқи алоқалар Бўлими бошлиғи, митрополит Илларион маълум қилган позиция муҳим аҳамият касб этади. Бу оддийгина бир фикр эмас, бу ўн миллионлаб кишилар учун маънавий соз саналган, мамлакатнинг энг йирик диний ташкилоти бўлган Черковнинг принципиал баҳосидир.

Мирополит қуйидагича фикр билдирди: "Мен Сталин мамлакатни бошқаришнинг ёлғон, зўрлик, қонунсизлик ва террорга асосланган даҳшатли, аксилсоний тизимини яратган махлуқ, маънавий мажруҳ деб ҳисоблайман. У ўз мамлакати халқига қарши геноцид уюштирган бўлиб, миллионлаб айбсиз кишилар ўлими учун жавобгар ҳисобланади. Бу борада Сталинни бемалол Гитлер билан таққослаш мумкин. Уларнинг иккаласи ҳам бу дунёга шунчалик беҳисоб қайғу-алам келтирганки, уларнинг инсонияти олдидаги айбини ҳеч қандай ҳарбий ва сиёсий муваффақиятлар билан оқлаб бўлмайди. Бутово полигони ва Бухенвальд, ГУЛАГ ва гитлерча ўлим лагерлари тизими ўртасида ҳеч қандай жиддий фарқ йўқ. Сталин қатағони қурбонлари сони ҳам Улуғ Ватан урушидаги йўқотишлар билан бемалол таққосланадиган даражадир".

Бу амалда Сталин ва унинг сиёсати устидан чиқарилган ҳукмдир. Бу борада Черков амалда Россия аҳолисининг ярмидан кўпи кайфиятларига зид келади. «Доҳий»ни нацист жинойтчилар билан бир қаторга қўйган Илларионнинг жасурлик билан сўзга чиқишининг аҳамияти ҳам мана шунда.

Россияда мусулмон халқларнинг кўпчилигига нисбатан Сталин ва унинг гумашталари томонидан жамоавий айбдорлик тамойили қўлланган. Бунинг аччиқ мевалари ҳозирги кунгача ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Улуғ Ватан уруши даврида Ислом диний структуралари тикланишини ҳам «дохий»нинг «ютуқ»лари қаторига киритиш қийин. Бу ҳам, худди Черковга нисбатан муносабатнинг илиши каби, реал-сиёсат руҳидаги қарор бўлиб, буни кейинги ҳодисалар исботлаб берди.

Совет Иттифоқи мусулмонлари бутун мамлакат аҳолиси билан бир қаторда ўз Ватанини нацизм балосидан ҳимоя қилиш учун оёққа турди. Мусулмонлар орасидан ҳам кўплаб қаҳрамонлар чиққан бўлиб, улар содир этган қаҳрамонликлар сон-саноксиздир. Уруш балоси бирортасини четлаб ўтмади.

Бу Ватан учун уруш эди, лекин Сталин учун эмас. У, давлатчиликнинг энг яхши бўлмаган анъаналарини эпчиллик билан ўйнатиб, аксинча, энг яхши анъаналарни йўққа чиқарган ҳолда мамлакат ва унинг халқини ҳокимликни ўз қўлида сақлаб қолиш йўлида фойдаланган.

Сталин ва унинг режими содир этган асосий жиноят мана шунда. У ҳаммаси доҳий учун деган тамойилга асосланган ва қурбонлар, хатоликлар ва қобилиятсизликлар билан ҳисоблашмаган. Ҳокимиятни ўз қўлида сақлаб қолиш учун Сталин ва унинг гунаҳкорлари миллионлаб кишиларни ўтга ташлаган, лекин мамлакат учун, халқ учун, модернизация ва ғалаба учун эмас. Буларнинг барчаси уларга фақат ўз кабинетларида ўтказадиган кунларини узайтириш учун керак эди.

Моҳиятан, Россия ўшанда даҳшатли бутпарастилар ва шайтон малайлари қўлига тушиб қолганди. Эҳтимол, ўзи сезмаган ҳолда, Сталин шу пайтга қадар мисли кўрилмаган шахсга сиғинишни вужудга келтирди. Ислом динида бу Тағут деб аталади. Унинг қаърида яшириниб ётган шайтон инсоннинг ҳис-туйғу ва эҳтирослар торини чертиб ўйнайди.

Сталинни оқлаш, уни «тушуниш ва кечириш»га ҳаракат қилиш аянчли шахсга сиғинишдир. Бу моддий ва маънавий тубанлик сари йўлдир.

Шундай қилиб, Черков позицияси (нуқтаи назари) тушунарли. Одамлар кайфияти қандай бўлмасин, ахлоқий позиция ўзгармас бўлиб қолавериши керак. Ҳаттоки бутун дунё оқ бу қора, қора эса бу оқ деб таъкидлайдиган бўлса ҳам, у қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Сталин шахсига сиғиниш ва унинг фаолиятини баҳолашда ўзгача фикр бўлиши мумкин эмас. Бу жуда муҳим ахлоқий, маънавий масаладир.

Россиялик машхур мусулмон уламолардан бири Исмоилбей Гаспринский 1883 йил қатъий ишонч билан ватандошларига қўйидагича мурожаат қилганди: «Тенглик, эркинлик, фан ва таълим асносида ахлоқий яқинлашиш, бирлашиш имконияти қолмоқда». Биз мамлакатимиз келажагини айнан мана шунда – эркин ижодкорлик ва меҳнатда, дин ва эътиқод эркинлигида, маданий ва ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашда деб кўрамиз. Ва бу, афсус билан қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган тағут шахсига сиғинишга асло мос келмайди.

Бу маънавий (руҳий) касалликни даволаш учун кўплаб йиллар талаб қилинади. Чунки етказилган жароҳатлар, яра ва ўсимталар чуқур яширинган.

Мамлакатни сталинизмдан халос этиш – барча дин раҳнамолари ва маънавий етакчиларнинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. У, худди бир пайтлар бутпарастлик билан рўй бергани каби, ўтмишда йўқ бўлиб кетиши лозим. Бу ерда реал натижа берадиган восита битта – Қуръон ва Библияда, Исо Масиҳнинг тоғдаги нутқи ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг видолашув хутбасида келтирилган абадий умуминсоний қадриятлар тарғиботидир.

Дамир-ҳазрат Мухетдинов

Иосиф Виссарионович Сталин (хақиқий фамилияси - Жугашвили, груз. იოსებ ჯუღაშვილი; 6 декабрь¹ 1878 йил (расмий маълумотларга кўра 9 декабрь² 1879 йил), Гори, Тифлис губернияси, Россия империяси - 5 март 1953 йил, Волинск, Кунцев райони, Москва вилояти, РСФСР, СССР) - россиялик инқилобчи, совет даврининг кўга кўринган сиёсий, давлат, ҳарбий арбоби ва партия намояндаси, Совет Иттифоқи Генералиссимуси (1945). 1920-йилларнинг охирлари 1930-йиллардан бошлаб то 1953 йил вафот этгунга қадар Сталин Совет давлати етакчиси бўлган³.

1920-йилларга келиб, оппозициячи оқимларнинг тор-мор қилиниши билан яқун топган ҳокимлик қилиш учун ички партия курашида ғолиб чиққач, Сталин ички ресурсларни сафарбар этиш, иқтисодиёт ҳаётни ўта марказлаштириш ва СССР да тўлақонли маъмурий-буйруқбозлик тизими шакллантириш йўли билан энг қисқа муддат ичида аграр жамиятдан индустриал жамиятга ўтиш учун жадвал индустриаллаштириш ва қишлоқ хўжалигини ёппасига жамоалаштириш йўлини танлаб олди.

1930-йилларнинг охирларида Европада ташқи сиёсий вазият ўта кескинлашган бир вазиятда Сталин нацистлар Германияси билан яқинлашишга муваффақ қарор қилиб, манфаатлар доирасини тақсимлаб олиш тўғрисидаги битимларга эришди. Бу битимлар асосида Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин СССР Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Бессарабия ва Шимолий Буковина ҳудудларини ўзига қўшиб олди, шунингдек, Финляндияга ҳужум қилди.

1941 йилнинг июнь ойида Германия томонидан кўққисдан бошланган уруш ҳаракатларига учрагач, СССР Қуролли кучлар олий бош қўмондони сифатида Сталин раҳбарлиги остида жуда оғир моддий ва инсон йўқотишларини бошидан кечирди, гитлерчиларга қарши коалицияга қўшилиб, нацизм устидан қозонилган ғалабага ҳал қилувчи ҳисса қўшди, бу эса СССР нинг таъсир доирасини Шарқий Европа ва Шарқий Осиёда кенгайтиришга, жаҳон социалисттик тизимини шакллантиришга хизмат қилди, бу эса, ўз навбатида, совуқ урушнинг богшланиши ва дунёнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган икки тизимга ажралишига олиб келди.

¹ Китаев И., Мошков Л., Чернев А. Когда родился И. В. Сталин // Известия ЦК КПСС, 1990. № 11.

² Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 68.

³ Куртуа С., Верт Н., Панне Ж-Л., Пачковский А., Бартосек К., Марголин Дж-Л. Чёрная книга коммунизма = Le Livre Noir du Communisme. — М.: «Три века истории», 2001. — С. 257. — 864 с. — ISBN 2-221-08-204-4.

Урушдан кейинги йилларда Сталин мамлакатда кучли ҳарбий-саноат комплекси яратишга ва СССРни атом қуролига эга, БМТ асосчларидан бири, БМТ Хавфсизлик кенгашининг вето ҳуқуқига эга доимий аъзоси бўлган дунёнинг иккита энг қудратли мамлакатидан бирига айлантиришга хизмат қилди.

Сталин ҳукмронлиги шахси яккаҳоқимлиги автократик режими мавжудлиги, бошқарувнинг авторитар-бюрократик усуллари устунлиги, давлатнинг репрессив функциялари ортиқча кучайиши, партия ва давлат идораларининг бирлашиши, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида давлатнинг қаттиқ назорати, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши, халқларни депортация қилиш, 1932-1933 йилларда очарчилик ва репрессия авжга миниши натижасида одамларнинг оммавий равишда қирилиб кетиши билан ажралиб тавсифланади⁴.

НАСЛ-НАСАБИ

Иосиф Жугашвили Тифлис губернияси Гори шаҳрида грузинлар оиласида таваллуд топган (қатор манбаларда⁵ Сталин аждодлари келиб чиқиши осетинларга бориб тақалаши ҳақида фаразлар билдирилган) ва аҳолининг қуйи қатламлари вакилларидан бўлган⁶.

Сталин ҳаётлик даврида ва унинг ўлимидан кейин ҳам узоқ вақт давомида у 1879 йилнинг 9(21) декабрида туғилган деб ҳисоблаб

⁴ Профессор истории, специалист по истории СССР, Никола Верт в программе «Именем Сталина. Сталинская государственная репрессивная политика»

Доктор исторических наук, Саймон Сибег-Монтефиоре, «Секреты жизни и смерти Сталина» («Le Nouvel Observateur», Франция)

"Записка Комиссии Политбюро ЦК КПСС по дополнительному изучению материалов, связанных с репрессиями, имевшими место в период 30—40-х — начала 50-х гг. (недоступная ссылка) // Вестник Архива Президента Российской Федерации. 1995, № 1. — С. 123—130; Хрестоматия по отечественной истории (1946—1995): Учебное пособие / Под ред. А. Ф. Киселёва, Э. М. Щагина. — М.: ВЛАДОС, 1996. — С. 310—323.

Полян П. М. Депортации и этничность // Сталинские депортации. 1928-1953. — М.: МФД, Материк, 2005. — С. 5. — 904 с. — (Россия. XX век. Документы). — ISBN 5-85646-143-6.

Харькова Татьяна. Вспоминая о голодоморе // Ежедневник «Демоскоп Weekly», 17.02–02.03.2003. — № 101–102.

Кондрашин В. В., д.и.н., проф. Голод 1932—1933 годов в деревнях Поволжья // «Вопросы истории», 1991. — № 6. — С. 176–181.

Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 12.

⁵ Существует версия, согласно которой фамилия Джугашвили — не грузинская, а осетинская. Версии об осетинском происхождении семьи Сталина рассматриваются в работе российского историка А. В. Островского (см.: Островский А. В. Кто стоял за спиной Сталина? — М.; СПб.: Олма-Пресс; Нева, 2002. — 638 с. — ISBN 5-7654-1771-X ; 5-224-02997-X.). Одноклассник Иосифа Джугашвили по семинарии И. Иремашвили в своей книге «Сталин и трагедия Грузии», изданной в Германии на немецком в 1932 году в издательстве Verfassung, утверждает, что отец Сталина Бесо Иванович Джугашвили «по национальности осетин»

⁶ Китаев И., Мошков Л., Чернев А. Когда родился И. В. Сталин // Известия ЦК КПСС, 1990. № 11.

келинган, бироқ кейинчалик тадқиқотчилар⁷ Иосиф туғилган – 1878 йил 6 (18) декабрь ва чўқинтирилган сана – 1878 йил 17 (29) декабрь деб кўрсатган⁸.

Сталин жисмоний нуқсонларга эга бўлган: чап оёғининг иккинчи ва учинчи бармоқлари бирлашиб кетган, юзида чечак излари бор, чўтир эди⁹. 1885 йил Иосифни фаэтон¹⁰ уриб кетган, шунда боланинг оёқ ва қўллари қаттиқ жароҳатланганди; шундан кейин бутун ҳаёти давомида унинг чап қўли тирсагидан охиригача букилмасди ва шу сабабли ўнг қўлидан калтароқ бўлиб кўринарди.

ОТА-ОНАСИ

Сталиннинг отаси - Виссарион (Бесо), келиб чиқиши Тифлис губернияси Диди-Лело қишлоғи деҳқонларидан бўлган, касби – этиқдўз эди. Ичкиликбозлик оқибатида у кўпинча ғазабга минган ҳолда¹¹ Екатерина ва кичик Сосони (Иосифни) шафқатсиз дўппосларди¹². Бола онасини калтакланишдан сақлаб қолишга уринган ҳолатлар ҳам бўлган. Кунлардан бир кун у отаси Виссарионга пичоқ отган ва орқасига қарамай қочиб кетган¹³. Гори полициясида хизмат қилган ходимлардан бирининг хотирлашича¹⁴,

⁷ Георгий Чернявский. Когда на самом деле родился Сталин и почему это важно // Каскад, № 210, 26.03.2004.

Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 68.

⁸ Историк Г. И. Чернявский пишет, что в книге регистраций Успенского собора в г. Гори значится имя Иосифа Джугашвили и далее следует запись: «1878. Родился 6 декабря. Крестился 17-го декабря. Родители — жители города Гори крестьянин Виссарион Иванов Джугашвили и его законная жена Екатерина Георгиевна. Крестный отец — житель Гори крестьянин Цихатришвили». Им делается вывод, что подлинной датой рождения Сталина является 6 (18) декабря 1878 года. Отмечается, что, по сведениям Санкт-Петербургского губернского жандармского управления, датой рождения И. В. Джугашвили значится 6 декабря 1878 года, а в документах Бакинского жандармского управления годом рождения помечен 1880 год. В то же время встречаются документы полицейского ведомства, где годом рождения Иосифа Джугашвили значатся 1879 и 1881 годы. В документе, собственноручно заполненном И. В. Сталиным в декабре 1920 года, — анкете шведской газеты *Folkets Dagblad Politiken*[en] — значится год рождения — 1878-й.

Существует мнение, что дата рождения была перенесена на год вперёд самим Сталиным, поскольку 1928 г. мало подходил для празднования 50-летнего юбилея: в стране происходили волнения крестьян в связи с искусственным повышением цен на промышленные товары, имелись и другие проблемы. Лишь к 1929 году Сталину удалось окончательно укрепить режим личной власти. Поэтому этот год и был выбран для празднования юбилея, соответственно чему была выбрана и подходящая официальная дата рождения.

(Марк Крутов. Когда родился Сталин? // Радио «Свобода», 14 апреля 2014.)

⁹ Китаев И., Мошков Л., Чернев А. Когда родился И. В. Сталин // Известия ЦК КПСС, 1990. № 11.

¹⁰ Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 68.

¹¹ Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 68.

¹² Barmine A. One who survived: The life story of a Russian under the Soviets. N.Y., 1945. P. 262

Antonov-Ovsiyenko A. The time of Stalin: Portrait of a tyranny. N.Y., 1983. P. 233—234

Аллилуева С. Только один год. N.Y.: Harper & Row Publishers, 1969. С. 360.

¹³ Аллилуева С. Только один год. N.Y.: Harper & Row Publishers, 1969. С. 360.

¹⁴ Davrichewy J. Ah! Ce qu'on rigolait bien avec mon copain Staline. Paris, 1979. P. 36—37

бошқа сафар Виссарион Екатерина ва кичкина Сосо ўтирган уйга бостириб керган ва уларни калтаклай кетган, оқибатда боланинг бошига жароҳат етказган.

Иосиф оилада учинчи ўғил бўлиб, дастлабки икки бола¹⁵ гўдаклик чоғида ўлиб кетганди. Иосиф туғилгандан кейин маълум вақт ўтгач, отасининг ишлари юришмай қолди ва у ичкиликка муккасидан кетди¹⁶. Оила турар-жойини тез-тез ўзгартиришга мажбур эди. Охир-оқибат, Виссарион хотинини ташлаб, ўғлини ўзи билан олиб кетишга қарор қилди, Екатерина болани унга бермади¹⁷.

Сосо ўн бир ёшга тўлганида Виссарион «маст ҳолда муштлашиш оқибатида ҳалок бўлди – кимдир уни пичоқлаб қўйди»¹⁸. Бу пайтга келиб, Сосонинг ўзи ҳам кўп вақтини кўчада, Гори шахрининг безори ёшлари орасида ўтказарди¹⁹.

Сталиннинг онаси - Екатерина Георгиевна – Гамбареули қишлоғидаги крепостной деҳқон (боғбон) Геладзе оиласида туғилган, кунбай ишларни бажарадиган мардикор бўлиб ишларди. Оғир меҳнат азобидан қийналган ўта сипо аёл омон қолган ёлғиз ўғлини кўпинча калтаклаган бўлсада²⁰, лекин унга чексиз садоқатли эди²¹. Сталиннинг болалиқдаги дўсти Давид Мачавариани эслашича, «Като Иосифни оналик меҳри билан қаттиқ қуршаб олганди ва, умуман олганда, худди она бўри каби уни ҳаммадан ва ҳамма жойда ҳимоя қиларди. У ўз арзандасини бахтли қилиш мақсадида ҳолдан тойгунча ишларди»²². Бироқ, айрим тарихчиларнинг таъкидлашича, Екатерина унинг ўғли катта бўлганидан сўнг руҳонийлик йўлини танламаганидан қаттиқ хафа бўлганди²³.

ЁШЛИК ЙИЛЛАРИ, ИНҚИЛОБЧИ БЎЛИБ ШАКЛЛАНИШИ

1886 йил Екатерина Георгиевна Иосифни Гори православ руҳонийлар билим юртига ўқишга киритмоқчи бўлди, лекин у рус тилини умуман билмаганлиги учун ўқишга кира олмади. 1886-1888 йилларда онасининг илтимоси билан руҳоний Христофор

¹⁵ Михаил и Георгий

¹⁶ Рыбас С. Ю. Сталин. / 2-е изд. — М.: Молодая гвардия, 2010. — (ЖЗЛ) — С. 10.

¹⁷ Рыбас С. Ю. Сталин. / 2-е изд. — М.: Молодая гвардия, 2010. — (ЖЗЛ) — С. 10.

¹⁸ Аллилуева С. Двадцать писем к другу. N.Y.: Harper & Row, 1967. P. 145

¹⁹ Davrichewy J. Ah! Ce qu'on rigolait bien avec mon copain Staline. Paris, 1979.

²⁰ Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 68.

²¹ Tremaschuiili J. Stalin und die Tragodie Georgiens: Erinnerungen. B., 1932. p. 10—12, 28.

Allilueva S. Only one year. N.Y., 1969., P. 360.

Allilueva S. Twenty letters to a friend. N.Y., 1967., P. 153.

²² Davrichewy J. Ah! Ce qu'on rigolait bien avec mon copain Staline. P., 1979., P. 34.

²³ Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия, 1996. — С. 68.

Чарквианининг фарзандлари Иосифга рус тилини ўргатишга киришдилар. Оқибатда 1888 йил Сосо билим юрти қошидаги биринчи тайёрлов синфига эмас, балки бирданга иккинчи тайёрлов синфига қабул қилинди, келаси йил сентябрида эса билим юртининг биринчи синфига қадам қўйди ва у ерни 1894 йилнинг июнида тамомлади.

1894 йилнинг сентябрь ойида Иосиф қабул имтиҳонлари топширди ва Тифлис православ руҳонийлар семинарийсига қабул қилинди. Бу ерда у илк марта марксизм билан танишди ва 1895 йилнинг бошларига келиб ҳукумат томонидан Кавказортига сургун қилинган инқилобчи-марксчилар махфий гуруҳлари билан алоқага киришди. Бу ҳақида кейинчалик Сталиннинг ўзи қуйидагича хотирлаган: *«Инқилоб ҳаракатига мен 15 ёшимда, ўша пайтлар Кавказортида яшаб келган рус марксчилари махфий гуруҳлари билан боғланган вақтдан бошлаб қўшилганман. Бу гуруҳлар менга катта таъсир кўрсатиб, махфий марксчилар адабиётларига қизиқиш уйғотганди»*²⁴.

Инглиз тарихчиси Саймона Себаг-Монтефиоренинг фикрига кўра, Сталин ўта истеъдодли талаба бўлиб, барча фанлар: математика, илоҳиёт, грек тили, рус тили бўйича юқори баҳоларга ўқиган. Сталин шеъриятни яхши кўрарди, ёшлигида грузин тилида ўзи ҳам шеърлар ёзган бўлиб²⁵, шеърият ихлосмандларининг эътиборини тортган²⁶.

1931 йил немис ёзувчиси Эмиль Людвигга берган интервьюсида *«Сизни муҳолифатга нима ундади? Эҳтимол, ота-онангиз муносабати ёмон бўлганлигидир?»* деган саволга Сталин қуйидагича жавоб берди: *«Йўқ. Ота-онам мен билан жуда яхши муносабатда бўлишган. Мен ўша пайтларда таҳсил олган руҳонийлар семинарияси эса – умуман бошқа гап. Семинарияда кўп кузатиладиган таҳқирли муносабатлар ва иезуитларга хос (иккиюзлама) усулларга қарши норозиликлардан мен ҳақиқатда инқилобчи, марксизм тарафдори бўлишга тайёр эдим ...»*²⁷

1898 йил Джугашвили инқилобчи Вано Стурра хонадонидан ишчилар билан учрашувда илк тарғиботчилик тажрибасига эга бўлди ва тез орада ёш темирйўлчилар ишчи тўғарагини бошқара

²⁴ Сталин И. В. Сочинения. Т. 13. — М.: Государственное издательство политической литературы, 1951. — С. 113.

²⁵ Секреты жизни и смерти Сталина

²⁶ Семанов С. Н., Кардашов В. И. Иосиф Сталин: жизнь и наследие. — М.: Новатор, 1997. — ISBN 5-85862-057-4

²⁷ Беседа Сталина с писателем Эмилем Людвигом // Огонёк, № 23, 1932

бошлади²⁸, бир нечта тўғарақда иш олиб бориб, ҳатто улар учун марксча машғулотлар дастури тузишга киришади²⁹. Шу йилнинг августида Иосиф «Месаме-даси»³⁰ («Учинчи гуруҳ») грузин социал-демократлар ташкилотига аъзо бўлиб киради. В. З. Кеҷховели ва А. Г. Цулукидзе билан биргалиқда Джугашвили аксарият аъзолари «қонуний марксизм» позицияларида турган ва миллатчиликка мойил бўлган ушбу ташкилотнинг инқилобчи камчилиги ўзагини ташкил қилган³¹.

1899 йил 29 май куни, ўқишнинг бешинчи йилида, у «имтиҳонларга номаълум сабабларга кўра келмаганлиги сабабли» семинарий талабалари сафидан чиқарилган (эҳтимол, Иосиф Джугашвилининг семинарий талабалари ва темирўл устахоналари ишчилари орасида марксизмни тарғиб қилиш бўйича фаолияти бунинг асл сабаби бўлган³²). Унга берилган гувоҳномада айтилишича, у тўрт синфни тамомлаган ва бошланғич халқ билим юртларида ўқитувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган³³.

Семинарийдан ҳайдалгач, Джугашвили маълум муддат репетиторлик билан кун кўради³⁴. Хусусан, ўқувчилари орасида унинг болалиқдаги энг яқин дўсти Симон Тер-Петросян (бўлғуси инқилобчи Камо) ҳам бўлган.

1899 йил декабрининг охирларидан Жугашвили Тифлис табиат расадхонасига ҳисобловчи-кузатувчи сифатида қабул қилинади³⁵.

1900 йил 23 апрелда Иосиф Джугашвили, Вано Стуруа ва Закро Чодришвили ишчилар маёвқаси уюштирдилар, бу ерда 400-500 нафар ишчи тўпланди. Митингда бошқалар қаторида Иосифнинг ўзи ҳам сўзга чиқади. Бу Сталиннинг омма олдида биринчи бора чўзга чиқиши эди. Шу йилнинг августида Жугашвили Тифлис ишчилари йирик тадбири – Бош темирўл устахоналарида иш ташлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда иштирок этди. Ишчилар норозиликларини намоиш этишни ташкил қилишда инқилобчи-ишчилар: М. И. Калинин (Петербургдан Кавказга сургун қилинган), С. Я. Аллилувев, шунингдек, М. З. Бочоридзе, А. Г. Окуашвили, В. Ф.

²⁸ Островский А. В. Кто стоял за спиной Сталина?

²⁹ Семанов С. Н., Кардашов В. И. Иосиф Сталин: жизнь и наследие. — М.: Новатор, 1997. — ISBN 5-85862-057-4

³⁰ Всемирный биографический энциклопедический словарь. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1998

³¹ Лев Балааян. Сталин и Хрущёв. — М.: Эксмо; Алгоритм, 2009.

³² Чернобаев А. А. Сталин Иосиф Виссарионович // Политические деятели России, 1917 г. Биографический словарь. / Ред. П. В. Волобуев и др. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1993. — 432 с. — ISBN 5-85270-137-8

³³ Рыбас С. Ю. Сталин. / 2-е изд. — М.: Молодая гвардия, 2010. — (ЖЗЛ) — С. 11.

³⁴ Семанов С. Н., Кардашов В. И. Иосиф Сталин: жизнь и наследие. — М.: Новатор, 1997

³⁵ Беседа Сталина с писателем Эмилем Людвигом // Огонёк, № 23, 1932

Стуруа қатнашди. 1 августдан 15 августгача иш ташлашда тўрт мингга яқин киши қатнашди. Натижада беш юздан ортиқ иш ташловчи ҳибсга олинди.

1901 йилнинг 21 мартида полиция Жугашвили яшаган ва ишлаган табиат расадхонасида тинтув ўтказди. Лекин унинг ўзи ҳибсга олинишдан қутилиб қолди ва ноқонуний ҳолатга ўтиб, махфий инқилобчига айланди³⁶.

ҲОКИМИЯТ САРИ ЙЎЛ

1917 йилгача

1901 йилнинг сентябрида Ладо Кецховели томонидан Боку шаҳрида ташкил қилинган «Нина» босмахонасида «Брдзола» («Кураш») ноқонуний газетаси чоп этила бошлади. Газетанинг биринчи сонидаги асосий мақола йигирма икки яшар Иосиф Джугашвили қаламига мансуб эди. Бу мақола Сталиннинг маълум бўлган дастлабки сиёсий асари ҳисобланади³⁷.

1901 йилнинг ноябрида у РСДРП Тифлис қўмитаси таркибига киритилиб, қўмита топшириғи билан шу ойнинг ўзидаёқ Батумига жўнатилади ва у ерда социал-демократик ташкилотни ташкил этишда қатнашади³⁸.

1903 йил россиялик социал-демократлар большевиклар ва меньшевикларга ажралиб кетгач, Сталин большевикларга қўшилиб олади³⁹.

1904 йил Бокуда нефть конлари ишчиларининг жуда катта иш ташлашини уюштиради, бу иш ташлаш ишчилар ва саноатчилар орасида жамоавий шартнома имзолаш билан якун топади. 1905 йилнинг декабрида Таммерфорсда (Финляндия) бўлиб ўтган РСДРП конференциясида РСДРП Кавказ иттифоқидан делегат сифатида қатнашади ва бу ерда илк марта В.И.Ленин билан шахсан учрашади.

1906 йилнинг май ойида Стокгольмда бўлиб ўтган РСДРП IV съездида Тифлистан делегат сифатида қатнашади, бу унинг дастлабки хориж сафари эди.

1906 йил 16 июлга ўтар кечаси Тифлиздаги Афлиё Давид черковида Иосиф Джугашвили Екатерина Сванидзе билан никоҳдан ўтади. Бу никоҳдан 1907 йил Сталиннинг катта ўғли – Яков туғилади.

³⁶ Семанов С. Н., Кардашов В. И. Иосиф Сталин: жизнь и наследие.

³⁷ Семанов С. Н., Кардашов В. И. Иосиф Сталин: жизнь и наследие.

³⁸ Семанов С. Н., Кардашов В. И. Иосиф Сталин: жизнь и наследие.

³⁹ The young revolutionary / Joseph Stalin // Encyclopedia Britannica.

Шу йилнинг охирларига бориб Сталиннинг хотини тиф (терлама) касаллигидан вафот этади.

1907 йил Сталин Лондон шаҳрида бўлиб ўтган РСДРП V съезди делегати сифатида қатнашади.

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, Сталин 1907 йилнинг ёзида бўлиб ўтган Сталин «Тифлис экспроприацияси»га алоқадор⁴⁰ (ўғирланган (экспроприация қилинган) пуллар⁴¹ партия эҳтиёжлари учун мўлжалланган).

1909-1911 йилларда Сталин Вологода губернияси Сольвычегодск шаҳрида икки марта – 1909 йил 27 февралдан 24 июнгача ва 1910 йил 29 октябрдан 1911 йил 6 июлгача сургунда бўлди⁴². 1909 йил сургундан қочиб, 1910 йилнинг мартада Сталин ҳибсга олинади ва Бокуда олти ойлик қамоқдан кейин яна Сольвычегодск шаҳрига олиб келинади. Бир қатор тарихчиларнинг таъкидлашича, Сольвычегодск сургунида Сталиннинг никоҳсиз ўғли - Константин Кузаков туғилади⁴³. Сургун муддати яқун топгач, Сталин 1911 йил 6 сентябргача Вологдада бўлиб туради, у ердан эса, пойтахтларга кириш тақиқланган эканига қарамай, Вологдалик таниши, ўтмишда у ҳам сургунда бўлган Петр Чижиковнинг паспорти билан Санкт-Петербург томон йўл олади; 1911 йил 5 декабрда Петербургда навбатдаги гал ҳибсга олингач, Вологдада сургун қилинади, лекин у ердан 1912 йилнинг 28 феврилида қочиб кетади.

1910 йилдан бошлаб Сталин партия Марказий қўмитасининг Кавказ бўйича вакили («МҚ агенти») ҳисобланади.

1912 йилнинг январида худди шу ой бўлиб ўтган РСДРП IV Бутунроссия (Прага) анжуманидан кейин ташкил қилинган РСДРП МҚ пленумида Лениннинг таклифи билан Сталин РСДРП МҚ ва РСДРП МҚ рус бюросига сиртдан аъзо этиб тайинланди. 1912 йил Иосиф Жугашвили «Сталин» тахаллусини қабул қилди⁴⁴.

1912 йилнинг апрелида полиция томонидан ҳисбга олинди ва Сибирга сургун қилинди⁴⁵. Бу сафар сургун манзили этиб Томск

⁴⁰ Рыбас С. Ю. Сталин. / 2-е изд. — М.: Молодая гвардия. 2010. — С. 29. —(Жизнь замечательных людей)

⁴¹ Edward Radzinsky. Stalin: The First In-depth Biography Based on Explosive New Documents from Russia's Secret Archives, Anchor, (1997)

⁴² Мехреньгина З. Н. О музее И. В. Сталина в Сольвычегодске

⁴³ Торчинов В. А., Леонтьев А. М. Вокруг Сталина. Историко-биографический справочник. Санкт-Петербург, 2000.

Константин Степанович Кузаков // Хронос. Биографический указатель

Гусляров Е. Н. Сталин в жизни : систематизированный свод воспоминаний современников, документов эпохи, версий историков:.. — Олма-Пресс, 2003.

⁴⁴ Похлёбкин В. В. Как случилось, что И. В. Джугашвили избрал себе псевдоним «Сталин»?

⁴⁵ Озолиньш, Эрнест. Как Сталин бежал из Нарыма. Воспоминания старого большевика. (Рига: «Латвиешу Балсс», 2002).

губернияси Нарым шаҳри (Қуйи Обь) танланди. Бу ерда, бошқа инқилобчи партиялар вакилларида ташқари, Смирнов, Свердлов ва бошқа айрим машҳур большевиклар ҳам бор эди. Нарымда Сталин 41 кун – 22 июлдан 1 сентябргача бўлди⁴⁶ ва бу сургундан ҳам қочиб кетди. У Обь ва Томь бўйлаб пароход орқали сездирмасдан Томскка етиб олди, бу ерда эса поездга ўтириб, қалбаки паспорт билан Россиянинг Европа қисмига йўл олди. Сўнгра Швейцарияга борди ва у ерда Ленин билан учрашди.

Томск сургунидан қочиб кетгач, 1912 йилнинг кеч кузидан то 1913 йил баҳоригача Петербургда большевикларнинг илк оммавий газетаси «Правда» да бош ходимлардан бири сифатида ишлади.

1913 йилнинг мартада Сталин навбатдаги марта ҳибсга олинди, қамалди ва этап билан Енисей губернияси Туруханск ўлкасига сургун қилинди, бу ерда 1916 йилнинг куз охиригача бўлди. Сургун пайтида Ленин билан ёзишиб турди.

Кейинроқ Сталин сургуни Ачинск шаҳрида давом этди, бу ердан у 1917 йилнинг 12 мартада Петроградга қайтиб келди.

ФЕВРАЛДАН ОКТЯБРГАЧА

Феврал инқилоби натижасида озодликка эришган Сталин Санкт-Петербургда қайтиб келди. Лениннинг муҳожирликдан қайтганига қадар у РСДРП МҚ ва большевиклар партияси Петербург қўмитаси раҳбарларидан бири бўлди, «Правда» газетаси таҳрир ҳайъатига кирди.

Сталин аввалига демократик инқилоб ҳали якун топмаганлиги ва ҳукуматни ағдариш амалий вазифа ҳисобланмаганлигидан келиб чиқиб Муваққат ҳукуматни⁴⁷ қўллаб-қувватлади. 28 март куни Петроградда бўлиб ўтган Бутунроссия большевиклар кенгашида меньшевикларнинг ягона партияга бирлашиш мумкинлиги ҳақидаги ташаббусини муҳокама қилиш вақтида Сталин «бирлашиш фақат Циммервальд-Кинталь линияси бўйича бўлиши мумкин» эканлигини қайд этди. Бироқ Ленин Россияга қайтгандан сўнг Сталин унинг «буржуа-демократик» февраль инқилобини пролетар-социалистик инқилобга айлантириш шиорини қўллаб-қувватлади. 14-22 апрель кунлари I Петроград умумшаҳар большевиклар конференцияси

⁴⁶ Озолиньш, Эрнест. Как Сталин бежал из Нарыма. Воспоминания старого большевика. (Рига: «Латвиешу Балсс», 2002).

Фотопутешествие в Парабельский район (Снимки экспонатов из нарымского музея истории царских политических ссылок, 2017).

Нарымский музей Сталина.

⁴⁷ Ричард Пайпс. Русская революция. Книга 2. Большевики в борьбе за власть 1917—1918.

делегати бўлди. 24-29 апрель кунлари РСДРП (б) VII Бутунроссия конференциясида жорий вазият ҳақида маъруза бўйича мунозараларда сўзга чиқди, Лениннинг қарашларини қўллаб-қувватлади, миллий масала бўйича маъруза билан чўзга чиқди; РСДРП(б) МҚ аъзоси этиб сайланди⁴⁸.

Май-июнь ойларида урушга қарши тарғиботда иштирок этди; Советларни қайта сайлаш ташкилотчиларидан бири бўлди ва Петроградда муниципал кампанияда иштирок этди. 3-24 июнь кунлари Ишчи ва солдат депутатлар Советлари I Бутунроссия съездида делегат сифатида қатнашди; большевиклар фракциясидан ВЦИК аъзоси ва ВЦИК Бюро аъзоси этиб сайланди. Шунингдек, 10 июнга режалаштирилган, лекин бўлиб ўтмаган намойиш ва 18 июнь намойишини тайёрлашда иштирок этди; «Правда» ва «Солдатская Правда»⁴⁹ газеталарида қатор мақолалар чоп эттирди. Лениннинг яширин ишга ўтишга мажбур бўлганлиги сабабли Сталин РСДРП(б) VI съездида (1917 йил июль-август) МҚ ҳисобот маърузаси билан сўзга чиқди. РСДРП(б) МҚ 5 августда бўлиб ўтган мажлисида Марказий Қўмита тор таркибининг аъзоси этиб сайланди. Август-сентябр ойларида асосан ташкилотчилик ва журналистик фаолият олиб борди. 10 октябр куни РСДРП(б) МҚ мажлисида қуролли қўзғолон ҳақида резолюция учун овоз берди, «яқин вақтларда сиёсий раҳбарлик қилиш учун» ташкил қилинган Сиёсий бюро аъзо этиб сайланди.

16 октябрга ўтар кечаси МҚ кенгайтирилган мажлисида қўзғолон ҳақида қарорга қарши овоз берган Л. Б. Каменев ва Г. Е. Зиновьев позициясига қарши чиқди, ўшандаёқ Петроград ВРК таркибига кирган Ҳарбий-инқилоб маркази аъзоси этиб сайланди.

24 октябрь (6 ноябрь), юнкерлар томонидан «Правда» газетаси босмахонаси вайрон қилингандан кейин, Сталин газетанинг кейинги сони чиқишини таъминлаб, унда Муваққат ҳукуматни ағдариш ҳамда «ишчи, деҳқон ва солдатлар вакиллари»дан сайланган Совет ҳукумати билан алмаштиришга даъват қилган ҳолда «Бизга нима керак?» сарлавҳаси остида таҳририят мақоласини чоп этди. Худди шу куни Сталин ва Троцкий РСД Советлар 2-Бутунроссия съезди делегатлари бўлган большевиклар йиғилишини ўтказиб, унда Сталин сиёсий ҳодисаларнинг бориши ҳақида маъруза билан сўзга

⁴⁸ Чернобаев А. А. Сталин Иосиф Виссарионович // Политические деятели России, 1917 г. Биографический словарь. / Ред. П. В. Волобуев и др. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1993. — 432 с.

⁴⁹ Чернобаев А. А. Сталин Иосиф Виссарионович // Политические деятели России, 1917 г. Биографический словарь. / Ред. П. В. Волобуев и др. — М.: Большая Российская энциклопедия, 1993. — 432 с.

чиқди. 25 октябрга (7 ноябрга) ўтар кечаси янги, совет ҳукумати структураси ва номини белгилаб берган РСДРП(б) МҚ мажлисида иштирок этди.

1917-1924

Октябрь инқилоби ғалаба қозонганидан сўнг Сталин Миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари сифатида Халқ комиссарлари совети (ХКС) таркибига кирди (1912-1913 йиллар охирида Сталин «Марксизм ва миллий масала» мақоласини ёзгани ва шу пайтдан бошлаб миллий муаммолар бўйича мутахассис ҳисобланарди).

29 ноябрь куни Сталин Ленин, Троцкий ва Свердлов билан биргаликда РСДРП (б) МҚ Бюроаси таркибига кирди. Ушбу органга *«барча шошилини ишларни, лекин шу пайтда Смольнийда бўлиб турган бача МҚ аъзоларини албатта жалб қилган ҳолда ҳал қилиш»* ҳуқуқи берилди.

1918 йилнинг баҳорида Сталин иккинчи марта уйланди. Рус инқилобчиси С. Я. Аллилуевнинг қизи - Надежда Аллилуева унинг турмуш ўртоғига айланди.

1918 йил 8 октябрдан 1919 йил 8 июлгача ва 1920 йил 18 майдан 1922 йил 1 апрелгача РСФСР ҳарбий инқилоб қўмитасининг аъзоси бўлган. Сталин шунингдек, Фарбий, Жанубий, Жанубий-Шарқий фронтлар ҳарбий инқилоб кенгашлари таркибига ҳам кирган.

Тарихий ва ҳарбий фанлар доктори М.А.Гареев таъкидлаганидек, Фуқаролар уруши вақтида Сталин кўплаб фронтларда йирик қўшинларни бошқариш бўйича улкан ҳарбий-сиёсий тажриба орттирди (Царицын ва Петроград мудофааси, Деникин, Врангель, оқ полякларга қарши жанглар ва б.)⁵⁰.

Бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг қайд этишича, Царицын мудофааси вақтида Сталин ва Ворошиловнинг ҳарбий-денгиз ишлар бўйича халқ комиссари Троцкий ўртасида шахсий низо юзага келган. Томонлар бир-бирига айблов қўйган; Троцкий Сталин ва Ворошиловни бўйсунмасликда айблаган, жавоб тариқасида эса «аксилинқилобчи» ҳарбий мутахассисларга керагидан ортиқ ишонч билдирганликда эътирозлар эшитган.

1919 йил Сталин РКП (б) VIII съездида шахсан Ленин томонидан қораланган «ҳарбий мухолифат»га яқин бўлган, лекин уларга расман қўшилмаган.

⁵⁰ М. Гареев, президент Академии военных наук, генерал армии. Сталин как верховный главнокомандующий // ВПК, 2 февраля 2005

Кавказ бюроси етакчилари Орджоникидзе ва Кировнинг таъсири остида Сталин 1921 йил Грузияни советлаштиришни ҳимоя қилиб чиқди.

1921 йилнинг 24 мартада Москвада Сталиннинг ўғли Василий туғилди, у оилада худди шу йил туғилган Артем Сергеев – Сталиннинг яқин дўсти, инқилобчи Ф.А.Сергеевнинг ўғли билан биргаликда тарбияланди.

1922 йил 3 апрелда бўлиб ўтган РКП (б) МҚ пленумида Сталин РКП (б) МҚ Сиёсий бюроси ва Ташкилий бюросига, шунингдек, РКП (б) МҚ Бош котиби этиб сайланди. Бу лавозим даставвал фақат партия аппаратига раҳбарлик қилишни англатарди, партия ва ҳукумат етакчиси эса РСФСР ХКС Раиси Ленин ҳисобланарди.

1922 йилдан бошлаб, касаллик туфайли Ленин амалда сиёсий фаолиятдан четлашди. Сиёсий бюрода Сталин, Зиновьев ва Каменев Троцкийга қаршилик кўрсатишга асосланган «учлик» ташкил қилдилар. Учала партия етакчиси ўша пайтда етакчи лавозимларни эгаллаб турганди. Зиновьев нуфузли Ленинград партия ташкилотини бошқарарди ва шу билан бир пайтда Коминтерн Ижроқўми раиси ҳисобланарди. Каменев Москва партия ташкилотини бошқарарди ва бир вақтнинг ўзида бир қатор халқ комиссарликларини бирлаштирган Меҳнат ва Мудофаа Кенгашига бошчилик қиларди. Лениннинг сиёсий фаолиятдан четлашиши билан айнан Каменев Халқ комиссарликлар кенгаши мажлисларида унинг ўрнига раислик қиларди. Сталин эса бир вақтнинг ўзида МҚ ташкилий бюроси ва Секретариатига раҳбарлик қиларди, шунингдек, Рабкрин ва миллатлар халқ комиссарлигини бошқарарди.

«Учлик»ка қарши Троцкий ҳарбий-денгиз халқ комиссари ва ҳарбий-инқилоб совети раиси лавозимларида Қизил армияни бошқарарди.

1922 йилнинг сентябрида Сталин илк бора ўзининг анъанавий Россия буюк давлатчилигига мойилликни намойиш этди. МҚ топшириғига мувофиқ, у миллатлар халқ комиссари сифатида собиқ Россия империясининг советлаштирилган миллий сарҳадлари билан Москва ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича таклиф тайёрлади. Сталин «мухторлаштириш» режасини (миллий ҳудудларни мухторлик ҳуқуқлари билан РСФСР таркибига киритиш) таклиф қилди, хусусан, Грузия Кавказорти республикаси таркибида қолиши лозим эди. Бу режа Украинада ва айниқса, Грузияда қаттиқ қаршиликка учради ва шахсан Лениннинг босими остида рад қилинди. Чекка ўлкалар совет федерацияси таркибига бир партияли тизим шароитларида қалбаки саналган барча давлатчилик

атрибутилари билан иттифоқдош республикалар ҳуқуқида киритилди. Федерация номидан («СССР») «Россия» сўзи ва умуман географик номланиш чиқариб ташланди.

1922 йил декабрининг ва 1923 йил январининг бошларида Ленин «Съездга хат»ни айттириб туриб ёздирди ва унда партия бўйича энг яқин сафдошларига, жумладан, Сталинга танқидий тавсифнома берди ва уни бош котиб лавозимидан олишни таклиф қилди. Вазиятни шу ҳам мураккаблаштирдикки, Ленин ҳаётининг сўнгги ойлари давомида Сталин билан Н.К.Крупская ўртасида низо бўлиб ўтганди.

Хат 1924 йил май ойида бўлиб ўтган РКП (б) XIII съезди арафасида МҚ аъзолари ўртасида ўқиб эшиттирилди. Сталин истеъфо берди, лекин унинг истеъфоси қабул қилинмади. Съездда хат ҳар бир делегацияга ўқиб эшиттирилди, лекин съезда яқунлари бўйича Сталин ўз лавозимида қолаверди.

ПАРТИЯНИНГ ИЧКИ КУРАШЛАРИДАГИ ИШТИРОКИ

Троцкий қақшатқич мағлубиятга учраган XIII съезддан (1924 йил) кейин Сталиннинг «учлик» бўйича собиқ иттифоқчиларига кураши бошланди. «Троцкийчилар билан адабий баҳс-мунозара» дан кейин (1924 йил) Троцкий ҳарбий-инқилоб кенгаши раиси лавозимидан истеъфо беришга мажбур бўлди. Шу воқедан ккейин Сталиннинг Зиновьев ва Каменев билан иттифоқи тўлиқ барҳам топди.

XIV съездда (1925 йил декабрь) Зиновьев, Каменев, молия халқ комиссари Сокольников ва Н. К. Крупскаядан иборат бўлган «тўртлик платформа» номи билан ҳам маълум бўлган «Ленинград мухолифати» қораланди (бир йилдан кейин Н. К. Крупская мухолифат таркибидан чиқиб кетди). Уларга қарши кураш учун Сталин ўша пайтлардаги партиянинг энг йирик назариячиларидан бири саналган Н.И.Бухаринга, униг тарафдорлари бўлган Рыков ва Томскийга (келажакдаги ўнг оғмачилар) таянишни лозим топди. Съезд шовқин-суронли можароларга бой вазиятда бўлиб ўтди. Томонлар бир-бирини турли хил найрангларда айблади (Зиновьев Сталин-Бухарин гуруҳини «ярим троцкизм» ва «қулоқча оғмачилик»да айблади, айниқса, «Бойиб кетинг!» шиорига алоҳида эътибор қаратди; бунинг эвазига у «аксельродчилик» ва ўртаҳол кишиларни муносиб баҳоламаслик»да айбловларга эга бўлди), Лениннинг бой меросидан бир-бирига зид келадиган цитаталардан фойдаландилар. Тозалаш ва қарши тозалаш билан боғлиқ қарама-қарши айбловлар билдирилди; Зиновьев тўғридан-тўғри Ленинград

«ноиб»ига айланганликда, Ленинград делегациясидан «сталинчи» номи билан машҳур бўлган барча кишиларни чиқариб ташлашда айбланди.

Каменевнинг «ўртоқ Сталин большевиклар штабини бирлаштирувчи ролини бажариши мумкин эмас» деган баёноти жойлардан туриб берилган: «Сирлар очилди!», «Сизга раҳбарликни бермаймиз!», «Сталин! Сталин!», «Мана қаерда партия бирлашган! Большевиклар штаби бирлашиши лозим!», «Яшасин МҚ! Ура!» хайқириқлар билан бўлинди.

Бош котиб сифатида Сталин хилма-хил лавозимлар, санаторийларга йўлланмаларга қадар турли имтиёзларни бош тарқатувчига айланди. У мазкур ҳолатдан ўз тарафдорлари бўлган ходимларни мамлакатдаги асосий лавозимларга қўйиш ва партия съездларида қатъий кўпчиликни қўлга киритиш учун кенг фойдаланди. Сталиннинг ғолиб чиқишига айниқса, 1924 йилги «Ленин чақируви (даъвати)» ва «партияни ишчилаштириш» шиори остида бўлиб ўтган чаласавод ишчиларни «станокдан» партияга оммавий қабул қилиш алоҳида хизмат қилди. Тадқиқотчи М.С.Восленский «Ленинизм асослари тўғрисида» асарида қайд этганидек, Сталин «намойишкорона» ёзган: «Ленин чақирувига бағишлайман». «Ленин чақируви асосида партияга янги қабул қилинганлар» асосан ўша пайтлардаги мураккаб ғоявий баҳс-мунозараларни яхши тушунмасди ва Сталин учун овоз беришни афзал кўрарди. Партия аъзоларининг 75%гача бўлган қисми фақат энг бошланғич маълумотга эга бўлиб, кўпчилик ҳатто ёзиш ва ўқишни ҳам билмаган пайтга келиб, жуда мураккаб назарий тортишув ва мунозаралар бошланиб кетди.

1926 йилнинг февраль ойида Сталиннинг Светлана исмли қизи туғилди (келгусида – таржимон, филология фанлари номзоди, ёдномалар ёзувчи адиба).

Сталин илгари сурган социализмнинг бир мамлакат ҳудудидаги ғалабаси назариясига қўшилмаган Троцкий 1926 йил апрелида Зиновьев ва Каменевга қўшилиб олди. Ташкил топган «Бирлашган мухолифат» қўйидаги шиорни илгари сурди: «ўт очишни ўнг томонга – нэпман, қулоқлар ва бюрократларга қарши кўчирамиз».

20-йиллардаги ички партиявий курашларда Сталин «тинчлик ўрнатувчи шахс» ролини ифода этишга ҳаракат қиларди. 1924 йилнинг охирида у ҳаттоки Троцкийни уни ҳарбий тўнтаришга тайёргарликда айблаган ҳолда партия сафидан чиқаришни талаб қилган Зиновьевнинг ҳужумларидан ҳимоя қилди. Сталин «салями тактикаси» - аниқ дозаланган кичик зарбалардан фойдаланишни

афзал кўрарди. Унинг усуллари Молотов ва Бухаринга 1926 йил 15 июнда ёзган хатида яққол кўзга ташланиб, бу хатда Сталин «Гришанинг (Зиновьевнинг) башарасини бузиш» ва у билан Троцкийдан «Шляпников (тез орада маргиналга айланган ишчилар мухолифати собиқ етакчиси) каби яккамоховлар яшаш»га ният қилади.

1927 йил Сталин ўзини «тинчлик ўртанувчи шахс» сифатида кўрсатишни давом эттирди. Унинг иттифоқчилари, бўлғуси «ўнг оғмачилар» Рыков ва Томский бу пайт анча қонхўр ва бераҳм фикрлар билдирардилар. Партиянинг XV съездида (1927 йил) қилган чиқишида Рыков сўл мухолифатни қамоққа олиш лозимлигига шаъма қилди, Томский эса 1927 йилнинг ноябрида ВКП(б) Ленинград вилоят конференциясида «пролетариат диктатураси шароитларида иккита ва ҳатто тўртта партия ҳам бўлиши мумкин, фақат бир шарт билан: битта партия ҳукумат тепасида, қолганлар эса қамоқда бўлади»⁵¹ деб баёнот берди.

1926-27 йилларда ички партиявий муносабатлар ғоятда кескинлашди. Сталин мухолифатни аста-секинлик билан, лекин астойдил ҳуқуқ майдони доирасидан четга чиқариб борарди. Унинг сиёсий мухолифлари орасида инқилобгача бўлган махфий фаолият борасида бой тажрибага эга бўлган шахслар кўп эди.

Ташвиқий адабиётлар чоп этиш учун мухолифат яширин босмаҳона ташкил қилган. 1927 йил 7 ноябрда Октябрь инқилобининг ўн йиллигини нишонлаш пайти улар томонидан мухолифат намойиши параллел равишда ўтказилди. Бу ҳаракатлар Зиновьев ва Троцкийни партия сафидан чиқариш учун (1927 йил 16 ноябрь) сабаб бўлди. 1927 йил СССР ва Англия ўртасидаги муносабатлар бирдан кескинлашиб кетди, мамлакатни уруш билан боғлиқ психоз қамраб олди. Сталин бундай вазият «сўл»ларни узил-кесил ташкилий тор-мор қилиш учун қулай бўлади деб ҳисоблади.

Бироқ келаси йил вазият тубдан ўзгарди. 1927 йил ғалла тайёрлаш инқирози таъсири остида Сталин амалда НЭП салбий жиҳатларидан (ишсизлик, ижтимоий тенгсизликнинг кескин ўсиши) норози бўлган радикал ишчилар ва талаба ёшлар орасида ҳалигача оммавий бўлган троцкийча шиорларни ўзлаштириб олиб, «сўл бурилиш»ни амалга оширди.

1928-1929 йилларда Сталин Бухарин ва унинг иттифоқчиларини «ўнг оғмачилик»да айблади ва амалда «сўл»ларнинг НЭПни қисқартириш ва жадал саноатлаштириш дастурини амалга ошира

⁵¹ XXXVI. Что осталось от «атмосферы горных высот» — Была ли альтернатива? — В. Роговин

бошлади. Тор-мор қилинган «ўнгла» қаторида «троцкийчи-зиновьевчи блок»: Москвада троцкийчиларни тор-мор қилишга бошчилик қилган Рыков, Томский, Угланов, Рютин ва бошқа кўплаб кишилар бор эди. РСФСР халқ комиссарлари советининг учинчи раиси Сырцов ҳам мухолифатчига айланди.

Сталин 1929 йилни «буюк бурилиш» йили деб эълон қилди. Саноатлаштириш, жамоавийлаштириш ва маданий инқилоб давлатнинг стратегик вазифалари деб эълон қилинди.

Рютин гуруҳи сўнги мухолифлардан бўлди. 1932 йил «Сталин ва пролетариат диктатураси инқирози» деб номланган (кўпроқ Рютин платформаси номи остида машҳур бўлган) дастурий ишида муаллиф биринчи марта Сталинга қарши шахсан жиддий ташланди. Маълумки, Сталин бу ишни террорчиликка ифво қилиш деб қабул қилди ва Рютинни отиб ташлашни талаб қилди. Бироқ бу таклиф ўша пайтда ОГПУ томонидан рад қилинди ва Рютин 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинди (кейинроқ, 1937 йил отиб ташланди).

Ричард Пайпс сталинизм режими изчллигини таъкидлайди. Ҳукумат тепасига келиш учун Сталин фақат унгача мавжуд бўлган механизмлардан фойдаланди, холос. Ҳуқуқий ички партиявий мухолифатларни тўлиқ тақиқлашга аста-секинлик билан ўтиш шахсан Лениннинг босими остида 1921 йил қабул қилинган партия X съездининг «Партия бирлиги тўғрисида» тарихий резолюциясига таянган. Унга мувофиқ, янги партиялар «куртаги» бўлиши, ихтилофлар ва ажралиб кетишга олиб келиши мумкин бўлган фракциялар аломатлари остида алоҳида фракция органлари ташкил қилиш ва ҳаттоки умумпартия дастурларидан фарқ қиладиган фракциялар дастурий ҳужжатлари (платформалар) тузиш, ички фракция интизомини умумпартия интизомидан юқори қўйиш ҳам тушунилган. Пайпснинг баҳосига кўра, шу тариқа Ленин партиядан ташқарида ўрнатилган бошқача ўйлашни йўқ қилиш режимини партия ичига ҳам кўчирди.

1927 йил Зиновьев ва Троцкийнинг партия сафидан чиқарилиши шахсан Ленин томонидан 1921 йил «ишчи мухолифат» - МК ва МКҚ (партия назорат органлари) бирлашган пленумига қарши кураш учун ишлаб чиқилган механизм ёрдамида амалга оширилди.

Сталиннинг ҳукумат учун курашдаги барча асосий рақиблари худди унинг ўзи каби демократия душманлари эди. Троцкий 1919-20 йилларда ёзган «Терроризм ва коммунизм» асарида Фуқаролик уруши давридаги оғир шароитлар билан изоҳланадиган энг шафқатсиз диктатура кўр-кўрона мадҳ этилган. X съездда (1921 йил) Троцкий «ишчи мухолифат» «демократизм» шиоридан

«фетиш» ясаб олмоқда ва партия ҳаттоки «ишчилар оммасида ўткинчи кайфиятларга дуч келадиган бўлса ҳам» ишчилар номидан ўз диктатурасини сақлаш истагида деб баёнот берган. Камчилик бўлиб қолгач эса Троцкий дарҳол демократияни ёдга олди. Ундан кейин худди шундай эволюцияни Зиновьев ҳам, «ўнғлар» ҳам намоёиш этди; ҳукумат тепасида турган пайт эса улар жон деб мухолифатнинг оғзини ёпарди. Ўзлари мухолифатга айлангач эса, бирдан демократия ва фикрлаш эркинлигини эслаб қолдилар.

Ленинград шаҳри ўрта мактабларидан бирининг директори Р. Куллэ ёзганидек⁵²:

1925 йил. 30 декабрь. Қизиқ, улар нима сабабдан ёқалашди экан? Ташқаридан қараганда худди ҳаммаси Ильичнинг эски иштонлари туфайли: унинг ҳидини ким яхшироқ тушунади; 1926 йил. 1 август... Дунё диктаторни кутмоқда... Уришиш фақат шахсият туфайли: ким кимни еб қўяркан.

«Ғолиблар съезди», яъни ВКП (б) XVII съездида (1934 йил) биринчи марта қайд этилдики, X съезд резолюцияси бажарилди ва партида энди мухолифат йўқ. Кўплаб собиқ мухолифлар омма олдида «хатоларни тан олиш»дан кейин партига қайта қабул қилинди. Лавозимини сақлаб қолиш мақсадида съездда бундай нутқлар билан, хусусан, Зиновьев, Каменев, Карл Радек, Бухарин, Рыков, Томский, Пятаков, Преображенский, Ломинадзе сўзга чиқди. Кўплаб делегатларнинг маърузаси Сталинни кўқларга кўтариш ва мадҳ этишга хизмат қиладиган сўзларга бой эди. В.З. Роговиннинг ҳисоб-китобларига кўра, съездда Сталиннинг номи 1500 марта ишлатилган.

Зиновьевнинг нутқи Сталин шахси олдида лаганбардорлик ва хушомадга бой эди, Каменев ўзини «сиёсий мурда» деб атади, Преображенский эса ўзининг собиқ сафдоши ва фикрдоши Троцкийга таъна ва маломатларга кўп вақт сарфлади. 1928 йил Сталинни «Чингизхон» деб атаган Бухарин съездда уни «пролетариат кучлари фельдмаршали» деб атади. Турли ҳазилларга бой бўлган ва тез-тез кулги билан бўлиниб турган Радекнинг айбига иқроп бўлиб, пушаймонлги ҳақида маърузаси алоҳида ўринга эга.

СИЁСИЙ ҚАРАШЛАР

⁵² Измозик В. С., Старков Б. А., Рудник С., Павлов Б. А. Подлинная история РСДРП-РКПб-ВКПб. Краткий курс. Без умолчаний и фальсификаций. С. 275.

Исаак Дойчер ёзишича, *Собиқ грузин социалистини уни «буюк рус шовинизми» билан боғлиқ равишда тасаввур қилинадиган ҳолатга олиб келган эволюция кишини ҳайратда қолдиради. Бу ҳатто корсикалик Бонапартни француз империяси асосчисига айлантирган жараёндан ёки бунинг натижасида австриялик Гитлер немис нацизмнинг энг тажовузкор етакчисига айланган жараёндан ҳам қизиқроқдир.*

Ёшлик йиллари Сталин ўша пайтлар Грузияда оммавийроқ санлган меньшевизмга эмас, балки бошшевикларга қўшилиб олишни афзал кўради. Большевиклар партиясининг ўша пайтлар полиция таъқиби оқибатида чет элда бўлиб туришга мажбур бўлган ғоявий ва раҳбарлик қиладиган ўзаги мавжуд эди. Ленин, Троцкий ёки Зиновьев каби онгли ҳаётининг катта қисмини муҳожирликда ўтказган большевизм фарқли равишда, Сталин Россияда махфий партия ишларида қатнашишни афзал кўради, бир неча марта сургун қилинади.

Сталиннинг инқилобга қадар хориж сафарлари ҳақида бир неча ҳолат маълум, холос: Таммерфорс, Финляндия (РСДРП I конференцияси, 1905), Стокгольм (РСДРП IV съезди, 1906), Лондон (РСДРП V съезди, 1907), Краков ва Вена (1912-13). Сталин доимо ўзини «амалиётчи» деб атаган ва шиддатли ғоявий қарама-қаршиликларга бой инқилобий муҳожирлик муҳитига нафрат билан муносабатда бўлган. Илк асарларидан бири – «Бакинский пролетарий» газетасида 1909 йил чоп этилган «Партия инқирози ва бизнинг вазифаларимиз» мақоласида «рус воқелиги»дан ажралиб қолган хориждаги раҳбарлик қилувчи марказни юмшоқ танқид қилади.

Большевик В.С.Бобровскийга 1911 йил 24 январда ёзган хатида у куйидаги сўзларни битганди: «Хориждаги «бир стакан сувдаги бўрон» ҳақида, албатта блоклар эшитган: Ленин-Плеханов бир томондан ва Троцкий-Мартов-Богданов бошқа томондан. Ишчиларнинг биринчи блока муносабати, билишимча, ижобий. Лекин умуман олганда чет элга ишчилар нафрат билан қарай бошлайди: «Хоҳлаганича, кўнгли сиққанича жанжал-тўполон қилаверсин, бизнингча эса, кимга ҳаракат қадрли бўлса, у ишлайди, қолгани эса тўғриланиб кетади». Менимча, бу яхшиликка хизмат қилади».

Сталин ёшлигидаёқ грузин миллатчилигини рад этган, вақт ўтиши билан унинг қарашлари тобора кўпроқ анъанавий рус буюк давлатчилиги томон ўзгара бошлади. Ричард Пайпсинг ёзишича, *У коммунизм асосий куч-қувватни рус халқидан олишини аллақачон*

тушуниб етганди. 1922 йил 376 минг нафар партия аъзосидан 270 минг киши, ёки 72%и руслар эди, қолганлар орасида эса кўпчилики – ярмини украинлар ва учдан икки қисмини яҳудийлар ташкил қиларди. Бундан ташқари, фуқаролар уруши давомида ва ундан ҳам кўпроқ – Польша билан уруш пайтида коммунизм тушунчаларининг рус миллатчилиги томон ғайриихтиёрий силжиши кузатилди. Бунга ёрқин мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган, чет элдаги руслар консерватив қисми орасида оммалашган «Муҳим даврлар алмашинуви» ҳаракати Совет давлатини Россия буюклигининг ягона ҳимоячиси деб эълон қилди ва барча муҳожирларни ватанга қайтишга даъват қилди ... Келажакда бутун инсониятга меҳрибончилик қилишдан кўра ҳозирнинг ўзида ва шу ерда, уйда реал ҳис қилинадиган ҳокимлик қилишдан манфаатдор бўлган Сталин каби мағрур сиёсатчи учун бундай ривожланиш хавф-хатар эмас, балки аксинча, қулай замона зайли ҳисобланган. Партия карьерасининг энг бошидан ва диктаторлик даврида йилдан йилга Сталин тобора кичик миллатлар манфаатларига зиён етказган ҳолда рус миллатчилиги позицияларини эгаллайди^[64].

Бироқ Сталин бунда ўзини байналмилалчи сифатида намоёиш этади. Ўзининг бир қатор мақола ва маърузаларида у «буюк рус миллатчилиги сарқитлари»га қарши курашга чақиради, «муҳим даврлар алмашинуви» ғоясини қоралайди (унинг асосчиси Устрялов Н. В. 1937 йил отиб ташланди). Сталин атрофидаги энг яқин кишилар таркиби байналмилал эди; бу ерда руслар, грузинлар, яҳудийлар, арманлар кўп эди.

Фақат рус коммунистларигина буюк рус шовинизмига қарши курашни ўз зиммасига олиши ва уни охирига етказиши мумкин ... Наҳотки аксилрус шовинизмига оғмачилик мавжуд эканлигини рад қилиш мумкин бўлса? Ахир бутун бошли съезд маҳаллий, грузин, бошқирд ва бошқа турдаги шовинизм мавжудлигини ва бунга қарши курашиш лозимлигини ўз кўзлари билан кўрди. Рус коммунистлари татар, грузин, бошқирд шовинизмига қарши кураша олмайди, чунки агар рус коммунисти татар ёки грузин шовинизмига қарши кураш борасида оғир вазифани ўз зиммасига оладиган бўлса, унинг бу кураши буюк рус шовинистининг татар ёки грузинларга қарши кураши сифатида баҳоланади. Бу ҳамма нарсани чалкаштириб юборди. Фақат татар, грузин ва ҳ.к. коммунистларигина татар, грузин ва ҳ.к. шовинизмига қарши курашиши мумкин, фақат грузин коммунистларигина грузин миллатчилиги ёки шовинизмига қарши

*мумкин билан курашиши мумкин. Рус бўлмаган коммунистларнинг мажбурияти мана шунда*⁵³.

Сталиннинг асл истеъдоди унинг 1922 йилда партия аппарати бошлиғи лавозимига тайинланиши билан кўзга ташлана бошлади. Ўша пайтда барча йирик большевиклар орасида фақат угина ушбу ишга қизиқиш билдирди, бошқа партия етакчилари бу ишни «зерикарли» деб ҳисоблади: ўзаро хат ёзишувни юритиш, сон-саноксиз лавозимга тайинлашлар, кундалик зерикарли девонхона ишлари. Бу тайинлашга ҳеч ким ҳавас ҳам, ҳасад ҳам қилмаган. Лекин Сталин ўзининг Бош котиб мавқеидан тез орада мамлакатдаги барча асосий лавозимларга ўз тарафдорларини қўйишда фойдалана бошлади.

Ўзи ҳақида Лениннинг вориси, уни ишини давом эттирувчи ролига номзодлардан бири ҳақида маълум қилиб, Сталин тез орада бундай роль, ўша пайтлардаги тасаввурларга мувофиқ, йирик мафкурачи ва назариячи нуфузини талб қилишини тушуниб етди. У бир қатор асарлар ёзди, уларнинг орасида хусусан, «Ленинизм асослари тўғрисида» (1924), «Ленинизм масалаларига доир» (1927) алоҳида ажратиб кўрсатилиши мумкин. «Ленинизм умуман пролетар инқилобининг назарияси ва тактикаси ва хусусан, пролетариат диктатураси назарияси ва тактикаси» деб баёнот берган Сталин «пролетариат диктатураси» марксизм доктринасини биринчи ўринга қўяди.

Сталин ғоявий изланишлари учун аъзоларининг 75 фоизи фақат бошланғич маълумотга эга бўлган партия талаб қиладиган максимал соддалаштирилган ва оммалаштирилган схемалар ҳукмронлиги характерли эди. Сталин ёндашувига кўра давлат бу - «машина». 1923 йил бўлиб ўтган XII съездда МҚ Ташкилий ҳисоботида у ишчилар синфини «партия қўшини» деб атадаи ва партия «узатма қайишлар» тизими орқали жамиятни қандай қилиб бошқаришини тавсифлади. 1921 йил Сталин ўзининг хомаки лойиҳаларида компартияни «қиличбардорлар ордени» деб атаган⁵⁴.

Дж. Боффа таъкидлайдики, ўша пайтлар бундай ғояларда ҳеч қандай янгилик бўлмаган, хусусан, «узатма қайишлар» ифодаси олдинроқ Ленин томонидан 1919 ва 1920 йилларда фойдаланилган эди.

⁵³ Заключительное слово по докладу о национальных моментах в партийном и государственном строительстве на XII съезде РКП(б) 25 апреля 1923 г.

⁵⁴ Боффа Дж. История Советского Союза. НЭП. Сталин. Генеральный секретарь. «Орден меченосцев» и «приводные ремни»

Сталин учун хос бўлган ҳарбий-буйруқбозлик, милитаристик иборалар ва аксилдемократик қарашлар жаҳон уруши ва фуқаролар урушидан ўтган мамлакат учун тамомила одатий ҳолат ҳисобланарди. Партияда кўплаб лавозимларни қўмондонлик қилиш амалий тажрибасига эга бўлган ва ҳатто ярим-ҳарбий қиёфасини сақлаб қолган кишилар эгалларди. Большевизм танҳо бир киши қўлида бўлган диктатура ўрнатилишига олиб келиши ҳам кутилган ҳолат эди; 1921 йил Мартов агарда Ленин демократлаштиришни рад қиладиган бўлса, Россияда «ҳарбий-бюрократик диктатура» қарор топади деб тўғридан-тўғри айтгандики; Троцкий 1904 йилда Ленин томонидан қўлланаётган партия қуриш усуллари шу билан якун топадики, что «Цека партия ташкилотининг ўрнини эгаллайди ва ниҳоят, диктатор Цека ўрнини эгаллайди» деб айтганди.

1924 йил Сталин «алоҳида олинган битта мамлакатда социализм қуриш» доктринасини ишлаб чиқди. «Жаҳон инқилоби» ғоясидан воз кечмаган ҳолда ушбу доктринада асосий эътибор Россияга қаратилди. Бу пайтга келиб Европада инқилоб тўлқинининг сўниши узил-кесил ҳал бўлганди. Большевиклар Германияда инқилобнинг тез ғалаба қозониши бошқа умид қилмай қўйганди ва бу билан боғлиқ саҳий ёрдам умидлари йўққа чиқди. Партии мамлакатда тўлақонли давлат бошқарувини ташкил қилишга, харажатлар муаммоларини ҳал қилишга ўтишига тўғри келди.

1927 йил рўй берган ғалла тайёрлаш инқироzi ва деҳқонлар ғалаёнлари таъсири остида 1928 йил Сталин «социализм қурилиши сари синфий курашни кучайтириш» доктринасини илгари сурди. У террорни ғоявий оқловчисига айланди ва Сталиннинг ўлимидан сўнг тез орада компартия раҳбарияти томонидан рад қилинди.

Тадқиқотчи Михаил Александров ўзининг «Сталин ташқи сиёсий доктринаси» асарида кўрсатиб ўтганидек, Сталин 1928 йил ўзининг МҚ номбры пленумидаги чиқишида рус шоҳи Буюк Петрнинг модернизаторлик фаолияти ҳақида илиқ сўзлар билдирган.

1930-йилларда Сталин тарихчи-марксчи М.Н.Покровский асарларини тақиқлашга кўмаклашди. 1934 йил Сталин хусусан, Россия дипломатик комплексини «тўда» деб, Россиянинг узини эса - «дунёга ҳукмронлик қилиш»га интиладиган мамлакат деб атаган Энгельснинг «Рус чоризмининг ташқи сиёсати тўғрисида» асари чоп этилишига қарши чиққан.

40-йилларда Сталиннинг Россия буюк давлатчилиги томон қатъий, узил-кесил бурилиши рўй берди. 1941 йил 3 июлда сўзга чиқишида амалда коммунистик сафсата йўқ эди ва коммунистлар учун ғайриодатий бўлган «ака-укалар ва опа-сингиллар» сўзларидан

фойдаланилди, шу билан бир вақтда анъанавий рус ватанпарварлигига ошкора норозиликлар мавжуд эди. Ушбу йўналишга мувофиқ, уруш худди 1812 йилги Ватан уруши каби, Улуғ Ватан уруши расмий номини олди.

1935 йил армияда персонал ҳарбий унвонлар жорий қилинди, 1936 йил казак қисмлари тикланди. 1942 йил қўшинларда комиссарлар институти тамомила бекор қилинди ва ниҳоят, 1943 йил ишчи-деҳқон қизил армияси (ИДҚА) қўмондон-бошлиқ таркиби расман «офицерлар» деб атала бошлади, уларни ажратиш белгилари сифатида погонлар тикланди.

Уруш йилларида динга қарши тажовузкор кампания ва черковларни оммавий равишда ёпиш бекор қилинди. Сталин Россия православ черкови (РПЧ) юрисдикциясини ҳар томонлама кенгайтириш тарафдори эди; хусусан, 1943 йил давлат янгилашиш ҳаракатини қўллаб-қувватлашдан тамомила воз кечди (у, Троцкийнинг фикрига кўра, Россия православ черковига нисбатан худди протестантизм католик черковига нисбатан ўйнаган ролни ўйнаши лозим эди), Украинада грек-католик черковига кучли босим кўрсатилди. Шу билан бир пайтда, Сталиннинг ошкора таъсири остида 1943 йил РПЧ Грузин православ черкови автокефалиясини яқуний тан олди.

1943 йил Сталин Коминтернни тарқатиб юборди. Сталиннинг унга муносабати доимо шабхаомуз руҳда бўлган; у мазкур ташкилотни «дўконча» деб, унинг функционерларини эса – бекорчи «текинхўрлар» деб атаган. Гарчи расман Коминтерн большевиклар унга фақат миллий секциялардан бири сифатида кирган жаҳон партияси, байналмилал партия ҳисобланган бўлсада, аслида Коминтерн доимо Москванинг ташқи дастаги бўлиб хизмат қилган. Сталин ҳукмронлиги даврида бу айниқса яққол намоён бўлган.

1945 йил Сталин «Совет Иттифоқи таркибига кирган барча миллатлар ичида энг атоқли миллат» деб атаган «Рус халқи учун!» қадаҳ сўзи айтди. Ҳақиқатда эса қадаҳ сўзининг мазмуни икки маъноли эди, тадқиқотчилар унинг мазмунини турлича, жумладан, тамомила қарама-қарши талқин қилишни таклиф этадилар.

МАМЛАКАТ РАҲБАРЛИГИДА

ЖАМОАВИЙЛАШТИРИШ. ОЧАРЧИЛИК

1927 йилнинг 2 декабридан 19 декабригача бўлиб ўтган ВКП(б) XV съездида СССРда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини

жамоавийлаштириш – якка тартибдаги деҳқон хўжалиklarини тугатиш ва уларни жамоа хўжалиklarига (колхозларга) бирлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Жамоавийлаштириш 1928-1933 йилларда амалга оширилди⁵⁵ (1939-1940 йилларида СССРга қўшиб олинган Украина ва Белоруссиянинг ғарбий ҳудудларида, шунингдек, Молдавия, Эстония, Латвия ва Литвада эса – урушдан кейин, 1949-1950 йилларда).

Жамоавийлаштиришга ўтиш учун шароитлар 1927 йил ғалла тайёрлаш инқироzi туфайли юзага келиб, аҳолининг оммавий равишда бирламчи зарурат товарларини сотиб олиши ва уруш психози мамлакатни қамраб олиши вазиятни янада кескинлаштирганди. Деҳқонлар ғалла нархи кўтарилишига интилиб, уни яшириб қўйгани ҳақида тасаввурлар кенг тарқалди (қулоқлар ғалла стачкаси). 1928 йилнинг 15 январь - 6 февраль кунлари Сталин Сибирга шахсан сафар уюштириб, сафар давомида «қулоқлар ва чайқовчилар»га максимал даражада босим кўрсатишни талаб қилди⁵⁶.

1926-27 йилларда «троцкийчи-зиновьевчилар блоки» «бош линия» тарафдорларини қулоқлар хавфини муносиб баҳоламасликда айблади, ўзига тўқ қишлоқ аҳолиси ўртасида ўзгармас нархларда «мажбурий ғалла ғами» ривожлантиришни талаб қилди. Сталин амалиётда ҳатто «сўл»лар талабларидан ортиқ ишни бажарди, ғаллани мусодара қилиш кўлами жиддий оширилди, унинг юки ўртаҳол қишлоқ аҳли зиммасига ҳам тушди. Бунга шунингдек, деҳқонларда яшириб қўйилган қандайдир эртакнамо ғалла захиралари мавжудлиги ҳақида тасаввур уйғотадиган статистикада кенг қалбакилаштириш ҳам хизмат қилди. Фуқаролик урушида даврида қўлланилган усул ва андазалар бўйича қишлоқнинг бир қисмини бошқа қисмига гиж-гижлашга ҳаракат қилинди; мусодара қилинган ғалланинг 25 фоиз қисми камбағал қишлоқ аҳолисига тарқатилди.

Жамоавийлаштириш «қулоқ қилиш» - ВКП (б) МҚ Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига жамоавийлаштириш ҳудудларида қулоқ хўжалиklarини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида маҳаллий ҳукумат органлари томонидан маъмурий тартиба қўлланган сиёсий репрессиялар билан биргаликда кузатилди⁵⁷.

⁵⁵ Коллективизация СССР // Большой Энциклопедический словарь. — 2000.

⁵⁶ Поездка И. В. Сталина в Сибирь (15 января — 6 февраля 1928 г.) — Сибирская Заимка

⁵⁷ Определение Верховного Суда РФ от 30.03.1999 // «Бюллетень Верховного Суда РФ», 1999, N 7

1930 йил 6 февралдаги 44.21-сонли ОГПУ қарорига мувофиқ, «биринчи тоифали» 60 минг қулоқлардан «мусодара қилиш» бўйича операция бошланди. ОГПУ операция ўтказилган биринчи куннинг ўзидаёқ 16 минг кишини ҳибсга олди, 1930 йилнинг 9 февралига келиб эса 25 минг киши «мусодара» қилинди.

ОГПУ ГУЛАГ махсус кўчириб келтирилган кишилар бўйича Бўлим маълумотномасида кўрсатилганидек, 1930-1931 йилларда жами 1 803 392 кишидан иборат 381 026 оила махсус кўчиришга жўнатилди. 1932-1940 йилларда яна 489822 нафар қулоқ қилинганлар махсус кўчириб юборилди. Юз минглаб кишилар сургунда ўлиб кетди.

Ҳукуматнинг жамоавийлаштириши бўйича чора-тадбирлари деҳқонлар орасида оммавий норозилик ва қаршиликлар кучайишига олиб келди. 1930 йил март ойининг ўзидаёқ ОГПУ 6500 та қўзғолон қайд қилди, шундан саккиз юзтаси қурол ёрдамида бостирилди. Умуман олганда, 1930 йил давомида 2,5 миллионга яқин деҳқон жамоавийлаштиришга қарши 14 мингта чиқишларда иштирок этди⁵⁸.

1929-1932 йилларда мамлакатдаги вазият янги фуқаролар уруши бошланишига яқин эди. ОГПУ маълумотларига кўра, ғалаёнларда қатор ҳолатларда маҳаллий совет ва партия ходимлари, бир сафар эса – ҳаттоки ОГПУ туман вакили ҳам қатнашган. Қизил армия таркиби демографик сабабларга кўра асосан деҳқонлардан иборат эканлиги вазиятни янада мураккаблаштирарди.

1930 йилнинг 2 мартада «Правда» газетасида Сталиннинг «Муваффақиятлардан бош айланиши. Колхозлар ҳаракати масалаларига доир» номли мақоласида ҳаддан ташқари жонбозлик ва тиришқоқлик кўрсатаётган ижрочиларга жавобгарлик юклади.

1932 йил СССРнинг бир қатор минтақалари (Украина, Поволжье, Кубань, Белоруссия, Жанубий Урал, Фарбий Сибирь ва Қозоғистон) очарчилик балосидан азоб чекд⁵⁹. Бир қатор тарихчиларнинг фикрига кўра, 1932-1933 йиллар очарчилиги сунъий равишда юзага келтирилган⁶⁰: «Эхо Москвы» радиосига берилган интервьюда А.Рогинскийнинг маълум қилишича, давлат очарчилик кўлами ва оқибатларини пасайтириш учун имкониятга эга эди, лекин бу ишни қилмади⁶¹.

⁵⁸ Куртуа С., Верт Н., Панне Ж-Л., Пачковский А., Бартосек К., Марголин Дж-Л. Чёрная книга коммунизма = Le Livre Noir du Communisme. — М.: «Три века истории», 2001. — С. 158. — 864 с.

⁵⁹ 10 фактов о Голодоморе. Русская служба Би-би-си (22 ноября 2013).

⁶⁰ Председатель правления международного правозащитного общества «Мемориал» Арсений Рогинский в программе Именем Сталина : Сталинизм: цифры и мифы

⁶¹ Председатель правления международного правозащитного общества «Мемориал» Арсений Рогинский в программе Именем Сталина : Сталинизм: цифры и мифы

Шу билан бирга, 1932 йилнинг ёзидан бошлаб давлат очарчиликдан қийналган ҳудудларга «продссуда» ва «семссуда» кўринишида катта ёрдам кўрсатди, ғалла тайёрлаш режалари бир неча марта пасайтирилди, лекин ҳатто қисқартирилган кўринишда ҳам бажарилмади. Хусусан, архивларда Днепропетровск вилоят партия қўмитаси котиби Хатаевичнинг 1933 йил 27 июнда қўшимча 50 минг пуд ғалла ажратиш илтимоси битилган шифротелеграммаси сақланади; ҳужжатга Сталин томонидан қуйидаги резолюция қўйилган: «Бериш керак. И. Ст.»⁶².

Турли баҳоларга кўра, ўша пайтларда СССР да очарчиликдан жами 4 миллиондан 8 миллионгача киши ҳалок бўлган⁶³. Британник энциклопедияси электрон вариантыда 6-8 миллион киши ҳақида маълумот келтирилган. Брокгауз энциклопедиясида 4-7 миллион киши ҳақида маълумот келтирилган⁶⁴.

Машҳур ёзувчи М.А.Шолохов Сталинга ёзган бир қатор хатларида Шимолий Каваз ўлкасининг Вёшенск туманида рўй берган ҳалокат ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ивницкийнинг қайд этишича, Шолоховнинг 1933 йил 4 апрелдаги хатига жавобан Сталин 16 апрель куни қуйидаги мазмунда телеграмма билан жавоб қайтарди: «Сизнинг хатингизни ўн бешинчи куни олдим. Хабар учун раҳмат. Нима талаб қилинса, ҳаммасини бажараман. Зарур ёрдам миқдори ҳақида хабар қилинг. Рақамлар келтиринг», шундан сўнг Молотовга «Шолоховнинг илтимосини тўлиқ қондириш»ни топширди, Вёшенск туманига 120 минг пуд ва Верхнедонск туманига 40 минг пуд озиқ-овқат тақдим этишга кўрсатма берди. Икки ҳафтадан кейин, 1933 йил 6 май куни Сталин Шолоховга узундан-узоқ хат ёзиб, бу хатда шуни тан олдики, «баъзида ходимларимиз, душманнинг жоловини тортиб қўйиш, тийиш мақсадида беҳосдан дўстларга ҳам зарба бериб қўяди ва ўта шафқатсизликка йўл қўяди», лекин шу билан бирга, деҳқонларни шаҳарлар ва қизил армияни нонсиз қолдиришга

⁶² Шифротелеграмма секретаря Днепровского обкома КП(б)У М. М. Хатаевича секретарю ЦК ВКП(б) И. В. Сталину с просьбой выделить дополнительную продовольственную ссуду

⁶³ Andrij Makuch Ukraine The famine of 1932-33 Britannica

⁶⁴ Данный абзац в статье «Украина», раздел «История» энциклопедии Брокгауз выглядит следующим образом (перевод с немецкого):

Сталин проводил насильственную коллективизацию сельского хозяйства в СССР (с 1929 года) с использованием государственного террора, что привело, особенно в УССР, к высоким потерям населения. После плохих урожаев 1931 и 1932 годов были произведены, часто с применением войск, изъятия запасов зерна, принадлежащего крестьянам. При этом от голода погибли от 4 до 7 млн человек.

интилиб, «итальянча иш ташлаш»да айблаиди. Ивницкийнинг ёзишича, 1933 йил 4 июлда ВКП(б) МҚ Сиёсий бюроси Вёшенск туманидаги ҳаддан ошиш ҳолатларини тан оладиган, лекин уларни «амалда оқлайдиган» кўринишда тан оладиган қарор қабул қилди. Энг жонбоз ижрочилардан бири - Пашинский партия сафидан чиқарилди ва отишга ҳукм қилинди, лекин суднинг бу ҳукми бекор қилинди ва Пашинский қаттиқ ҳайфсан билан қутилиб қолди.

В. В. Кондрашиннинг фикрига кўра, 1932-1933 йиллардаги очарчиликнинг асл сабаби колхоз тизими ва сиёсий режимнинг сталинизм табиати ва Сталин шахси билан боғлиқ репрессив усуллар ёрдамида мустаҳкамлаш бўлган⁶⁵.

Украинада очарчиликдан ўлганлар аниқ сони бўйича сўнгги маълумотлар (3 миллион 941 минг киши) Киев шаҳар Апелляция судининг 2010 йил 13 январдаги 1932-1933 йилларда Украина ССРда оммавий очарчилик ташкилотчилари – Иосиф Сталин ҳамда СССР ва УССР ҳукуматининг бошқа вакилларига нисбатан ҳукмнинг айблов қисмига асос бўлди⁶⁶.

1932-1933 йиллардаги очарчилик «Сталиннинг энг даҳшатли ёвузлиги» деб аталади – унинг оқибатида ҳалок бўлганлар сони Сталин ҳукмронлик қилган даврда сиёсий сабабларга кўра қатл қилинганлар ва ГУЛАГда ҳалок бўлганлар сонидан қарийб икки ярим баравар ортиқдир. Кизил террор даврида бўлганидек, Россия жамиятининг ёт унсур қатламлари ёки кейинроқ Катта террор даврида рўй берганидек, номенклатура вакиллари эмас, Сталин бошчилигидаги большевиклар партияси томонидан ижтимоий ислохотлар улар учун амалга ошириладиган оддий меҳнаткашлар очарчилик қурбони бўлди⁶⁷. Илк марта йирик троцкийчи иқтисодчи Е.А. Преображенский томонидан 1925-26 йилларда илгари сурилган «дастлабки ижтимоий жамғарма» доктринасига мувофиқ, қишлоқ ундан давлат эҳтиёжлари учун ишчи кучи ва маблағлар тортиб олиш манбасига айланди. Деҳқонлар жамоавийлаштириш оқибатида тушиб қолган ҳолат миллионлаб кишиларни шаҳарларга саноатлаштириш қурилишида ишлаш учун йўл олишга мажбур қилди. Шейла Фицпатрик кўрсатиб ўтганидек, жамоавийлаштириш СССР аҳолисининг мисли кўрилмаган миграциясига олиб келди: агар 1920-йиллар охирида қишлоқлардан шаҳарларга йилига ўрта 1

⁶⁵ Был ли голод 1932—1933 в Украине «геноцидом украинского народа»? Ответ СВ. Кульчицкому

⁶⁶ Постановление Апелляционного Суда г. Киева (укр.)

Постановление апелляционного суда г. Киева по уголовному делу по факту совершения геноцида в Украине в 1932—1933 гг.

⁶⁷ Кречетников А. Самое страшное злодеяние Сталина. Русская служба Би-би-си (23 ноября 2013)

миллион киши кўчиб ўтган бўлса, 1930 йил 2,5 миллион киши, 1931 йил эса - 4 миллион киши кўчиб ўтди. 1928-1932 йиллар давомида шаҳарларга 12 миллион киши кўчиб ўтди⁶⁸. Биринчи беш йиллик туфайли ишчи қўллар етишмаслиги шароитларида кечаги деҳқонларнинг асосий қисми осонлик билан ўзига иш топарди.

Россия учун анъанавий бўлган аграр аҳолининг кўпайиб кетганлиги йўқ қилинди. Бироқ, бу миграция натижаларидан бири овқатланувчи кишилар сонининг кескин ўсишига ва оқибатда, 1929 йил нонга карточка тизими жорий қилинишига олиб келди. 1932 йил инқилобгача бўлган даврдаги паспорт тизимининг қайта тикланиши бошқа бир натижа бўлди. Шу билан бирга давлат жадал суръатлар билан ўсиб бораётган саноат эҳтиёжлари қишлоқлардан ишчи қўлларнинг оммавий оқиб келишини талаб қилишини тушуниб етарди. 1931 йил «ташкилий равишда ёллаш» жорий қилиниши билан бу миграция маълум даражада тартибга солинди.

Қишлоқ учун эса оқибатлар жуда аянчли бўлди. Жамоавийлаштириш натижалари бўйича экин экиладиган майдонлар $\frac{1}{6}$ ўсганлигига қарамай, ялпи буғдой тўплаш, гўшт ва сут ишлаб чиқариш камайди, ўртача ҳосилдорлик эса пасайиб кетди. Ш.Фицпатрикнинг фикрига кўра, қишлоқда интизомсизлик ва тушкунлик кайфияти юзага келди. Деҳқонлар меҳнатининг деҳқонлар орасидаги нуфузи тушиб кетди, яхшироқ кун кўриш учун албатта шаҳарга бориш керак деган фикр кенг тарқалди.

Биринчи беш йиллик давридаги ҳалокатли, жуда оғир ҳолат тўпланган ғалла ҳосили катта бўлган 1933 йил бирмунча ўнгланди⁶⁹. 1934 йил биринчи беш йилликдаги омадсизликлар туфайли аҳоли заифлашган Сталиннинг ҳолати жиддий равишда яхшланди.

САНОАТЛАШТИРИШ ВА ШАҲАРСОЗЛИК

Сталин томонидан 1928 йил тасдиқланган 1,5 мингта завод қуриш бўйича беш йиллик режа хорижий технология ва асбоб-ускуналарлар харид қилиш учун жуда катта маблағ талаб қилди⁷⁰. Ғарб мамлакатларида хардин молиялаштириш учун Сталин томонидан хомашё, асосан, нефть, мўйна, шунингдек, ғалла экспортини ошириш ҳақида қарор қабул қилинди. Муаммони ғалла

⁶⁸ Фицпатрик Ш. Сталинские крестьяне: социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. М.: Российская политическая энциклопедия, 2001

⁶⁹ С. Рудник, Борис Арсеньевич Павлов, Борис Анатольевич Старков, Владлен Семёнович Измозик: «Подлинная история РСДРП-РКПб-ВКПб. Краткий курс. Без умолчаний и фальсификаций» с. 296

⁷⁰ Профессор Принстонского университета Роберт Такер / Robert Tucker. «Сталин. История и личность. Путь к власти. 1879—1929. У власти. 1928—1941» / Весь мир, 2006. С. 383

экинлари ишлаб чиқариш кўламининг пасайиши қийинлаштирарди. Хусусан, агар 1913 йил инқилобгача бўлган Россия 10 миллион тонна ғаллани четга чиқарган бўлса, 1925-1926 йилларда йиллик экспорт атиги 2 миллион тоннани ташкил қилди. Сталиннинг фикрига кўра, колхозлар ғалла экспортини тиклаш воситаси бўлиши мумкин бўлиб, унинг ёрдамида давлат қишлоқлардан саноатлаштириш ҳарбий эҳтиёжларига йўналтирилган молиялаштириш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мусодара қилишни режалаштиришган.

В.З.Роговиннинг таъкидлашича, ғалла экспорти СССР экспорт даромадининг асосий моддаси эмасди. Хусусан, 1930 йил мамлакат ғалла экспортдан 883 млн рубль, нефть маҳсулотлари ва ёғоч-тахта маҳсулотлари экспортдан 1 млрд 430 млн рубль, мўйна ва зиғир экспорти -500 млн рублгача маблағ келтирган. 1932-33 йиллар якунлари бўйича ғалла экспортдан олинadиган даромаднинг 8 фоизини берди, холос.

Саноатлаштириш ва жамоавийлаштириш улкан ижтимоий ўзгаришларга олиб келди. Миллионлаб кишилар колхозлардан шаҳарларга қараб йўл олди. СССР ни жуда катта миграция қамраб олди. Ишчи ва хизматчилар сони 1928 йил 9 миллион кишидан 1940 йил 23 миллион кишигача ўсди. Шаҳарлар аҳолиси сони кескин ортди, хусусан, Москва аҳоли сони 2 миллион кишидан 5 миллион кишига, Свердловск аҳолиси 150 минг кишидан 500 минг кишига етди. Шу билан бирга, уй-жойлар қурилиши суръати бунчалик кўп аҳолини жойлаштириш учун асло етарли эмасди. 30-йилларда коммунал квартира ва бараклар, айрим ҳолатларда эса ертўла уйлар одатдаги уйларга айланди.

МҚ 1933 йил январь пленумида Сталин биринчи беш йиллик 4 йил 3 ойда бажарилгани ҳақида маълум қилди. Биринчи беш йиллик йилларида 1500 та корхона қурилди, бутун бошли янги тармоқлар (тракторсозлик, авиация саноати ва б.) пайдо бўлди. Бироқ амалда ўсиш «А» саноат гуруҳи (ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш) ҳисобига эришилди, «Б» гуруҳ бўйича режа бажарилмади. Бир қатор кўрсаткичлар бўйича «Б» гуруҳ режалари 50 фоизи ва ундан кам бажарилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кескин пасайиб кетди. Хусусан, йирик шохли қорамол сони 1927-1932 йилларда 20-30 фоизга ўсиши лозим эди, бунинг ўрнига икки баравар пасайиб кетди.

Беш йилликнинг дастлабки йиллари эйфорияси бўл-бўлчиликка, режа кўрсаткичларининг ҳақиқатга мос келмаган тарзда ошириб кўрсатилишига олиб келди. Роговинга кўра, XVI партия

конференцияси ва Советлар V Съездида тузилган биринчи беш йиллик режаси амалда бажарилмади, XVI съездда тасдиқланган (1930) ошириб юборилган кўрсаткичлар ҳақида эса гапириб ўтирмасак ҳам бўлаверади. Хусусан, 10 млн тонна чўян ўрнига 6,2 млн тонна чўян эритилди, 1932 йил 100 минг дона ўрнига 23,9 минг дона автомобиль ишлаб чиқарилди. «А» гуруҳи асосий саноат кўрсаткичлари бўйича режа топшириқлари амалда 1933-1935 йилларда эришилди, чўян, тракторлар ва автомобиллар бўйича ошириб юборилган кўрсаткичлар бўйича эса мос равишда - 1950, 1956 ва 1957 йилларда эришилди.

Расмий тарғибот ишлаб чиқариш илғори Стаханов, учувчи Чкалов, Магнитка, Днепрогэс, Уралмаш қурилишлари шухратини бор имкониятлардан фойдаланиб кўкларга кўтаришга ҳаракат қиларди. Иккинчи беш йиллик даврида СССРда уй-жой қурилишининг, шунингдек, маданий инқилоб доирасида театрлар ва дам олиш уйлари қурилишининг маълум даражада ўсиши қайд этилди. Стахановчилик ҳаракати бошланиши билан белгиланган турмуш даражасининг бирмунча ўсганлигини шарҳлар экан, 1935 йилнинг 17 ноябрида Сталин «Яшаш яхшироқ, яшаш қувончлироқ бўлиб қолди» деган сўзларни айтиб ўтди. Дарҳақиқат, бундан атиги бир ой аввал СССРда карточкалар бекор қилинганди. Лекин шу билан бирга, 1913 йилдаги турмуш даражаси фақат 50-йилларга келиб эришилди (расмий статиска маълумотларига кўра, 1913 йил аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ даражаси 1934 йилда эришилган).

1936 йил совет тарғиботи шунингдек, «Бахтли болалигимиз учун ўртоқ Сталинга раҳмат!» шиори билан бойитилди.

Шу билан бирга, саноатлаштириш қурилишларининг фавқулодда характери, кечагина келган деҳқонлар маълумот даражасининг пастлиги кўпинча меҳнатни ҳимоя қилиш даражаси пастлигига, ишлаб чиқаришда аварияларга, қимматбаҳо техникаларнинг бузилишига олиб келарди. Тарғибот авариялар сони кўплигини фитначи-зараркунандаларнинг кирдикорлари билан изоҳлашни афзал кўрарди, Сталин шахсан қуйидагича баёнот берди: «зараркундалар мавжуд ва токи бизда турли синфлар мавжуд экан, токи капиталистик қуршов муҳити мавжуд экан, зараркунандалар мавжуд бўлаверади».

Ишчилар турмуш даражасининг пастлиги нисбатан имтиёзлироқ техник мутахассисларга нисбатан оммавий совуқчилик, хуш кўрмасликни юзага келтирарди. Мамлакатни қамраб олган «мутахассискушандалик» жазаваси Шанхай ишида (1928 йил) ва

бир қатор кейинги жараёнларда (1930 йил Саноат партияси иши, ТКП иши ва бошқа кўплаб ишлар) ўз ифодасини топди.

Сталин даврида бошланган қурилиш объектлари қаторига Москва метрополитени ҳам киради.

Маданий инқилоб давлатнинг стратегик мақсадларидан бири сифатида эълон қилинган. Унинг доирасида ликбез, яъни савдосизликни тугатиш кампанияси (1920 йилларда бошланган) амалга оширилди, 1930 йилдан бошлаб мамлакатда илк марта бошланғич таълим жорий қилинди. Дам олиш уйлари, музейлар, истироҳат боғлари оммавий қурилиши билан параллел равишда динга қарши тажовузкор кампания амалга оширилди. Жанговар даҳрийлар иттифоқи (1925 йил асос солинган) 1932 йил «худосиз беш йиллик»ни эълон қилди. Сталин топшириғига кўра Москвада ва Россиянинг бошқа кўплаб шаҳарларида юзлаб черковлар портлатиб юборилди⁷¹. Хусусан, унинг ўрнида Советлар Саройи қуриш мақсадида Исо Масиҳ ибодатхонаси портлатилди.

РЕПРЕССИЯ СИЁСАТИ

Большевизм давомли давлат террор аънанасига эга бўлган. Октябрь инқилоби бошланган пайтга келиб, мамлакат уч йилдан бери инсон ҳаёти қимматини тушириб юборган жаҳон урушида қатнашарди, жамият оммавий ўлимлар ва ўлим жазосига кўникиб кетганди. 1918 йилнинг 5 сентябрида «қизил террор» расман эълон қилинди. Фуқаролар уруши йиллари давомида турли фавкулудда ва суддан ташқари органлар ҳукми билан 140 мингга яқин киши отиб ташланди.

Давлат репрессиялари ўз кўламини пасайтирди, лекин 1920-йилларда ҳам тўхтагани йўқ, 1937-1938 йилларда жуда катта вайронагарчилик кучи билан яна ўт олди. 1934 йил Киров ўлдирилгандан кейин «сўниш» йўналиши аста-секинлик билан энг бешафқат репрессиялар томон йўналишга ўзгарди. Маркасча синфий ёндашувга мувофиқ, жамоавий жавобгарлик тамойилига кўра бутун бошли аҳоли гуруҳлари: собиқ қулоқлар, хилма-хил ички партия мухолифатларининг собиқ қатнашчилари, «иккитарафлама фаолият»да шубҳаланган СССР учун хорижий саналган бир қатор миллатлар вакиллари ва ҳатто ҳарбийлар шубҳа остига тушиб қолди (Польша линияси бўйича репрессиялар энг катта кўламга эга

⁷¹ Куртуа С., Верт Н., Панне Ж.-Л., Пачковский А., Бартосек К., Марголин Дж.-Л. Чёрная книга коммунизма = Le Livre Noir du Communisme. — М.: «Три века истории», 2001. — С. 36. — 864 с.

бўлди). Кўплаб олий кўмондонлар Троцкий даврида лавозимга кўйилган бўлиб, 1923 йилдаги ички партиявий мунозаралар даврида ҳарбийлар Троцкийни кенг қўллаб-қувватладилар. Роговин шуни ҳам таъкидлайдики, ИДҚА таркибий бўйича асосан деҳқонлардан иборат эди ва унинг муҳитига жамоавийлаштириш якунларидан норозилик объектив равишда кириб борарди⁷². Ниҳоят, қанчалик мантиққа зид бўлмасин, НКВДнинг ўзи ҳам шубҳа остига тушиб қолди; Наумовнинг таъкидлашича, унинг таркибида кескин структурали ўзгаришлар кузатилган, хусусан, до 38 фоизга яқинни келиб чиқиши большевиклардан бўлмаган шахслар ташкил қилган, ишчи ва деҳқонлар ижтимоий таркиби бўйича атиги 25 фоизини ташкил қилган⁷³.

«Мемориал» жамиятининг берган маълумотларига мувофиқ, 1936 йил октябрдан 1938 йил ноябргача бўлган даврда НКВД органлари томонидан 1710 минг киши ҳибсга олинди, 724 минг киши отиб ташланди, бундан ташқари, судлар томонидан 2 миллионга яқин киши жиноятда айбланиб бўйича жазоланди⁷⁴. 1937 йил февраль-март пленумида тозалаш ўтказишга кўрсатма берилди; «партия ишидаги камчиликлар ҳамда троцкийчилар ва бошқа хоинларни йўқ қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида номли маърузасида Сталин МҚни «социализм қурилиши сари синфий курашни кучайтириш» доктринасига мувофиқ «илдизини қўпориб ташлаш ва тор-мор қилиш»га шахсан чақирди.

1937-1938 йиллардаги «катта террор» ёки «ежовчилик» совет раҳбариятининг мисли кўрилмаган миқёсда ўзини-ўзи қириб ташлашига олиб келди; хусусан, МҚ нинг 1937 йил февраль-март пленумида сўзга чиққан 73 кишидан 56 таси отиб ташланди. Шунингдек, ВКП (б) XVII съезди делегатларининг мутлақ катта қисми ва ушбу съезда сайлаган МҚ аъзоларининг 78%и ҳам ҳалок бўлди. давлат террорининг асосий зарбдор кучи сифатида НКВД органлари иштирок этганлигига қарамай, уларнинг ўзи ҳам энг жиддий тозалаш қурбонлари бўлди; қатағоннинг асосий ташкилотчиси бўлган халқ комиссари Ежовнинг ўзи ҳам қатағон қурбони бўлди.

Тозалаш давомида Сталиннинг энг яқин одамлари қаторидан ўрин олган айрим шахслар ҳам ҳалок бўлди; унинг дўсти А.С.Енукидзе отиб ташланди, Г.К.Орджоникидзе эса тафсилотлари охиригача аниқланмаган вазиятда ўлим топди.

⁷² В. Роговин. 1937. XLVI. Причины расправы с генералами

⁷³ Наумов Л. А. Сталин и НКВД. Ч. I.

⁷⁴ «Большой террор»: 1937—1938. Краткая хроника

Н. Верт «Эхо Москвы» радиосига берган интервьюсида айтиб ўтганидек, оммавий қатағонлар Сталин даврида давлат ва жамиятни бошқаришнинг асосий шакли бўлган⁷⁵.

Л.М.Каганович террорга жуда ошкора изоҳ берган:

...ахир уларнинг барчаси ҳукумат аъзолари эди. Троцкийчилар ҳукумати бўлган, зиновьевчилар ҳукумати бўлган, рыковчилар ҳукумати бўлган, бу жуда хавфли ва имконсиз эди. Сталин душманлари қаторидан учта ҳукумат юзага келиши ... Уларни қандай қилиб эркинликда ушлаб туриш мумкин бўлган? ...Жуда яхши ташкилотчи бўлган Троцкий қўзғолонни бошқариши мумкин бўлган... Эски, тажрибали конспираторлар, большевиклар махфийлик тажрибаси ва большевиклар ташкилотчилигидан фойдаланиб, ўзаро боғланиши ва ташкилот ташкил қилмаслигига ким ҳам ишониши мумкин эди?

Тозалаш ишларида Сталинга энг яқин бўлган кишилар, хусусан, Ежов, Молотов, Каганович, Жданов, Маленков ва бошқа кўплаб шахслар фаол иштирок этди. Бироқ шубҳасизки, айнан Сталин террорнинг асосий «бошқарувчи»си бўлган. Хусусан, овозаси кетган суд жараёнлари учун айблов нутқларини у ўз кўли билан ёзган⁷⁶. Сталин кўли билан ёзилган ва чекистлардан тобора кўпроқ ўлдириш талаб қилинган юзлаб кичкина мактублар мавжуд. Ҳукмларни у қизил қалам билан чиқарарди. Айрим исмлар тўғрисида у «Кўпроқ уринг» деб ёзиб қўярди. Кўп сонли саҳифаларнинг тагига «Ҳаммаси отиб ташлансин» деган ёзув битиларди. Айрим кунлари Сталин 3000 мингдан ортиқ халқ душманларини ўлимга ҳукм қиларди. «Мемориал» ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамияти маълумотларига кўра, шахсан Сталин ва унинг ВКП (б) Сиёсий бюроси бўйича энг яқин сафдошлари томонидан 1936-1938 йилларнинг ўзида 43768 кишини жазолаш, аксарият ҳолларда отиб ташлаш рўйхатлари имзоланди, бу рўйхатлар «Сталиннинг отиб ташлаш рўйхатлари» номи остида шуҳрат қозонган. Катта террор даврида НКВД бошлиғи Николай Ежов Сталинга кўриб чиқиш учун ҳар бир минтақа учун отиб ташлаш ёки ГУЛАГга сургун қилиш ҳужжатларини тақдим этарди ва Сталин «тозалаш» статистика режасини белгилаб берарди. Жойларда, туманларда ким бу режани биринчи бўлиб бажариши бўйича мусобақа бўларди. маҳаллий НКВД ходими бу топшириқни

⁷⁵ Куртуа С., Верт Н., Панне Ж.-Л., Пачковский А., Бартосек К., Марголин Дж.-Л. Чёрная книга коммунизма = Le Livre Noir du Communisme. — М.: Три века истории, 2001. — С. 257. — 864 с.

⁷⁶ Доктор исторических наук, Саймон Сибег-Монтефиоре, «Секреты жизни и смерти Сталина» («Le Nouvel Observateur», Франция)

базарган ҳар сафар у «режадан ташқари қирғин»га рухсат сўраган ва Сталин ҳар сафар бунга рухсат берган.

Ю. Н. Жуковнинг фикрига кўра, қатағонлар Сталинга маълум қилмасдан ва унинг иштирокисиз рўй бериши мумкин бўлган. Тарихчининг таъкидлашича, 1934 йилга қадар партидаги қатағонлар фракциялар ўртасидаги кураш доирасидан четга чиқмаган ҳамда юқори лавозимлардан олиб ташлаш ва нуфузсиз иш участкаларига ўтказишдан иборат бўлган, яъни ҳибсга олишлар истисно қилинган. Ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларга нисбатан қатағонга келадиган бўлсак, Ю. Н. Жуковнинг таъкидлашича, 1920-йиллар охирлардаги, асосан зиёлиларга, муҳандисларга қарши қаратилган барча жараёнлар ўша пайтда ОГПУ фаолиятини назорат қилган ва барча ҳибсга олишларга, барча сиёсий жараёнларга санкциялар берган Бухариннинг ташаббуси билан амалга оширилган⁷⁷.

«Мемориал» халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш жамиятибошқарма раиси Арсений Рогинскийнинг «Эхо Москвы» радиосига берган интервьюда келтирилган маълумотларига кўра, совет тарихи даврида 4,5-4,8 миллион киши сиёсий сабабларга кўра ҳукм қилинган, шундан тахминан 1,1 млн киши отиб ташланган, қолганлар эса ГУЛАГга тушган; 6,5 млн.дан ортиқ киши депортация қилинган (бешта казаклар станциясидан 9 минг оила ёки тахминан 45 минг киши депортация қилинган 1920 йилдан 1951-1952 йиллар депортациясига қадар); тахминан 4 млн киши сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган (миллион кишидан ортиғи – 1918 йилга РСФСР Конституцияси бўйича, қолганлар – унга кўра бу тоифага оила аъзолари ҳам кирадиган 1925 йил қабул қилинган қарорга мувофиқ); тахминан 400-500 минг киши турли фармон ва қарорлар асосида қатағон қилинган; 6-7 млн киши 1932-1933 йиллар очарчилиги оқибатида ҳалок бўлган; 17 961 минг киши меҳнат фармонлари (1940 йил 26 июнда қабул қилинган ва 1956 йил бекор қилинган) қурбони бўлган. Шундай қилиб, «Мемориал» ташкилоти маълумотларига кўра, ҳисоб-китоб қилиш усулидан келиб чиққан ҳолда, 11-12 млн кишидан 38-39 млн кишигача террор қурбони бўлган⁷⁸. Бошқа интервьюда у қуйидаги сўзларни айтади:

...совет ҳуқумати даврда, 1918 йилдан 1987 йилгача (сўнгги ҳибсга олишлар 1987 йилнинг бошларига тўғри келган), сақланиб қолган ҳужжатларга кўра, бутун мамлакат бўйича хавфсизлик

⁷⁷ Александр Сабов. Жупел Сталина

⁷⁸ Председатель правления международного правозащитного общества «Мемориал» Арсений Рогинский в программе Именем Сталина : Сталинизм: цифры и мифы

органлари томонидан 7 миллион 100 минг киши ҳибсга олинган. Бунда уларнинг орасида фақат сиёсий моддалар бўйича ҳибсга олинганларгина бўлмаган. Уларнинг сони жуда кўп эди. Ҳа, уларни хавфсизлик органлари ҳибсга олган, лекин хавфсизлик органлари турли йилларда босқинчилик (бандитизм), контрабанда, пул қалбакилаштириш учун ҳам ҳибсга олган. Бошқа кўплаб «умумжиной» моддалар бўйича ҳам.

Таъкидлаш жоизки, Рогинский кўрсатилган рақамлар тарихнинг бутун советлар даврига мансуб (фақат Сталин ҳукмронлиги даврига эмас) деб ҳисоблайди. Хусусан, «меҳнатсиз элементлар»ни сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш кўринишидаги дискриминация 1918 йилги ва 1925 йилги совет конституцияларига мувофиқ амалга оширилган ва 1936 йилги «сталин» Конституцияси томонидан бекор қилинган.

Архив маълумотларига таянар экан, В.З.Роговин террор қурбонлари сони қуйидагича бўлганини қайд этади⁷⁹:

- СССР бош прокурори Руденко, ички ишлар вазири Круглов ва адлия вазири Горшенин томонидан 1954 йил февралда тақдим этилган ёзма докладга кўра, 1921 йилдан 1954 йил 1 февралгача бўлган даврда «аксилинқилобий жинойтлар» бўйича айбловлар билан 3 770 380 киши жазога ҳукм қилинган, жумладан, олий жазога 642 980 киши, қамоқ ва лагерь жазосига 2 369 320 киши, сургун ва чиқариб юборишга 765 180 киши ҳукм қилинган;

- ДХҚ ходимлари томонидан «1990-йиллар бошларида» тақдим этилган маълумотларга кўра, 3 778 234 киши қатағон қилинган, шундан 786098 киши отиб ташланган;

- Россия Федерацияси Хавфсизлик вазирлиги архив бўлими 1992 йил тақдим этган маълумотларга кўра, 1917 йилдан 1990 йилгача бўлган даврда давлатга қарши жинойтларда айблов бўйича 3 853 900 киши жазога ҳукм қилинган, шундан 827 995 киши олий жазога ҳукм қилинган.

Роговиннинг кўрсатишича, 1921-1953 йиллар даврида ГУЛАГ орқали 10 млн киши ўтган, 1938 йил эса уларнинг сони 1 882 минг кишини ташкил қилган; ГУЛАГ мавжуд бўлган вақтларда унинг маҳбуслар максимал сони 1950 йил кузатилган бўлиб, 2 561 минг кишини ташкил қилган.

Калифорния университети профессори Дениэл Ранкур-Лаферрьерга (Daniel Rancour-Laferriere) кўра, 1936-1938 йиллар Катта Тозалаш вақтида, турли баҳоларга кўра, беш миллиондан

⁷⁹ Вадим Роговин. Партия расстрелянных

тўққиз миллионгача киши ҳибсга олинган⁸⁰. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, террорни бошлашга фақат 1937 йил февраль-март пленумида кўрсатма берилган, 1936 йил ҳали ҳеч қандай тозалаш бўлмаган.

1930 йилдан 1953 йилгача бўлган даврда, турли тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра, фақат сиёсий афбловлар бўйича 3,6 миллиондан 3,8 миллион кишигача ҳибсга олинган, шундан 748 минг кишидан 786 минг кишигача отиб ташланган⁸¹.

1935 йилнинг апрелида Сталин ташаббус билан чиққан ҳуқуқий ҳужжатга кўра, ўн икки ёшдан катта бўлган болалар худди катталар каби ҳибсга олиниши ва жазога ҳукм қилиниши⁸² (жумладан, отиб ташланиши⁸³) мумкин бўлган. 1998 йил чоп этилган П.Соломоннинг «Сталин даврида совет адлияси» китобида таъкидланишича, вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини ижро этиш борасида архивларда мисоллар топилмаган⁸⁴; лекин, «Московский комсомолец» газетасининг хабар беришича, 2010 йил «Эха Москвы» журналистлари отиб ташланган ва кейинчалик оқланган вояга етмаган учта шахс (битта 16 яшар ва иккита 17 яшар) ҳақида ҳужжатлар топишган⁸⁵.

Сталин қатағонлари давомида айбини тан олувчи кўрсатмалар олиш учун кенг миқёсда қийноққа солишдан фойдаланилган⁸⁶.

Сталин қийноқлар қўлланиши ҳақида нафақат биларди, балки «халқ душманлари»га қарши «жисмоний таъсир усуллари» қўллаш ҳақида шахсан буйруқ ҳам берарди ва баъзи ҳолларда қайси қийноқ турларидан фойдаланиш кераклигини аниқлаштириб ҳам

⁸⁰ Даниель Ранкур-Лаферрьер. Психика Сталина

⁸¹ Алексей Литвин. Российская историография большого террора
Высшая мера наказания

В. В. Лунеев. Статистика политических репрессий

⁸² Доктор исторических наук Сергей Журавлёв в интервью программы «Именем Сталина: дети и детство в эпоху Сталина»

Даниель Ранкур-Лаферрьер. Психика Сталина. / Пер. Т. Е. Астахова, М. Е. Озерова. Предисл. В. Лейбин. — М.: Весь Мир; Прогресс-Академия. 1996. — С. 103.

⁸³ Документы к процессу «Евгений Джугашвили против „Эха Москвы“»

⁸⁴ Питер Соломон. Советская юстиция при Сталине. / Пер. с англ. Л. Максименков. — М.: РОССПЭН, 1998. — С. 196

⁸⁵ Розанов Д. Расстрелы детей дошли до суда.

⁸⁶ The breaking of bodies and minds: Torture, psychiatric abuse, and the health professions / E. Stover, E. O. Nightingale. N.Y., 1985.

Blackstock P. W. Agent of deceit: Frauds, forgeries and political intrigue among nations. Chicago, 1966. P. 48—83

Peter E. Torture. N.Y., 1985.

Amnesty International. Torture in the eighties. L., 1984.

Приказ министра внутренних дел СССР Л. П. Берии «О запрещении применения к арестованным каких-либо мер принуждения и физического воздействия» № 0068, 4 апреля 1953 г. Архивная копия от 25 декабря 2016 на Wayback Machine

кўрсатарди⁸⁷. У инқилобдан кейин сиёсий маҳбусларга нисбатан қийноқлар қўллаш ҳақида биринчи бўлиб буйруқ берган; бу рус инқилобчилари токи Сталин буйруқ бермагунга қадар рад қилиб келаётган чора эди⁸⁸. Сталин даврида НКВД усуллари ўзининг ҳийла-найранглари ва шафқатсизлиги билан чор полициясининг барча ихтироларини ортида қолдириб кетди. Тарихчи Антон Антонов-Овсеенконинг айтишича: «Қуролсиз фуқароларни қириб ташлаш бўйича операцияларни унинг ўзи режалаштирар, тайёрлар ва амалга оширар эди. Унинг ўзи техник деталларни жон деб билиб олишга ҳаракат қиларди, уни душманларни «фош қилиш»да бевосита иштирок этиш имконият қувонтирарди. Бош котиб айниқса, юзма-юз қилиш, юзлаштиришдан завқланарди, бир неча марта ўзини чинакам иблисона тасаввурлар билан сийлаган»⁸⁹.

ГУЛАГ тизими шахсан Сталин буйруғи билан ташкил этилган бўлиб⁹⁰, буни у иқтисодий ресурс сифатида баҳолаган⁹¹. Ҳақиқатда эса ГУЛАГ маҳбусларининг меҳнати ўта самарасиз, унумдорлиги эса жуда паст эди. Хусусан, ГУЛАГда битта ишчининг қурилиш-монтаж ишларидаги иш самарадорлиги фуқаро секторидаги шундай кўрсаткич билан солиштирганда икки баравар паст эди⁹². ГУЛАГ ўз харажатларини ҳам оқламасди ва давлат томонидан ҳажми мунтазам равишда ўсиб борган дотациялар талаб қиларди. ГУЛАГ тизими Сталин ҳаётлик давридаёқ катта инқирозга ботиб қолганди ва Сталин ташқари ҳамма буни яхши тушунарди⁹³. Бир неча миллион киши турли жарималар тўлашга ҳукм қилинган. Фақат лагерь қўриқчиларининг ўзи 300 минг кишини ташкил қиларди, бу ерда МГБ ходимлари ва конвой қўшинлари ҳали ҳисобга олинмаган.

Н.Верт «Эхо Москвы» радиосига берган интервьюда таъкидлаганидек, Сталин ҳукмронлиги даврида 20 миллиондан ортиқ киши ГУЛАГ орқали ўтган ва яна 6 миллион киши махсус поселкаларга депортация қилинган. Шу билан бир пайтда, архив

⁸⁷ Медведев Р. К суду истории: генезис и последствия сталинизма / D. Joravsky, G. Haupt. N.Y., 1973. P. 296—297

Хрущёв Н. С. Хрущёв о Сталине. — Нью-Йорк, 1988. — С. 39.

Даниель Ранкур-Лаферриер. Психика Сталина. — М.: Прогресс-Академия. 1996. — С. 46.

⁸⁸ Эрих Фромм. Анатомия человеческой деструктивности=The anatomy of human destructiveness. Holt Paperbacks 1973, С. 188.

⁸⁹ Антонов-Овсеенко А. Портрет тирана. — Нью-Йорк, 1980. — С. 167.

⁹⁰ Именем Сталина : Гулаг на «великих стройках коммунизма»

⁹¹ Доктор исторических наук, профессор факультета истории МГУ, руководитель Центра экономической истории Леонид Бородин в интервью передачи Именем Сталина: ГУЛАГ на «великих стройках коммунизма»

⁹² Именем Сталина : Об альтернативах сталинской индустриализации

Гулаг на «Великих стройках коммунизма»

⁹³ Доктор исторических наук, главный специалист государственного архива РФ, сотрудник института всеобщей истории Олег Хлевнюк в программе «Именем Сталина: Сталин в последние годы жизни»

маълумотларига таянган ҳолда Роговин айтиб ўтадики, ГУЛАГ орқали умумий ҳисобда 10 млн киши ўтган, махсус поселекаларда эса 1937 йил 1 февраль ҳолатида 1.8 млн киши, 1939 йил 21 февраль ҳолатида 2.6 млн киши бўлган. Махсус поселекалар аҳолиси максимал сони 1950 йил қайд этилган бўлиб, 3 млн кишини ташкил қилган, уларнинг аксарияти уруш вақтида депортация қилинган халқлар вакиллари эди⁹⁴.

Оммавий қатағонлар даври 1937-1938 йилларга, «Катта террор» даврига тўғри келади. Шахсан Сталин бу кампания ташаббуси билан чиққан ва у томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, Совет Иттифоқининг ҳарбий қудрати ва иқтисодиётига жуда катта зиён етказган⁹⁵.

1920-1930 йилларда ички партиявий муносабатлар соҳасида йирик мутахассис О. В. Хлевнюкнинг таъкидлашича,

Биз «катта террор»ни Сиёсий бюро (амалда Сталин) қарорлари асосида марказлаштирилган, режалаштирилган ва амалга оширилган, «антисовет элементлар» ва «аксилинқилобий миллий контингентлар»ни йўқ қилиш бўйича оммавий операциялар серияси сифатида кўриб чиқиш учун барча асосларга эгамиз. Уларнинг мақсади халқаро вазият кескинлашган ва уруш хавфи кучайган шароитларда «бешинчи колонна»ни тугатиш бўлган ... Ушбу террор авжини ташкил қилишда Сталиннинг роли жуда катта эканлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди ва барча ҳужжатлар билан тасдиқланади ... Бугунги кунда 1937-1938 йиллар оммавий операциялари тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида маълум бўлган ҳамма нарса Сталиннинг буйруғисиз «катта террор» умуман бўлмаган бўларди деб таъкидлашга имкон беради ...⁹⁶

Ю. Н. Жуковнинг фикрига кўра,

Сталин унинг ўзаги янги Конституция бўлиши лозим бўлган демократлаштириш томон йўналиши муваффақиятсизликка учрашдан кўрқа бошлади. Уни ҳар қандай воситалар эвазига, ҳаттоки шафқатсиз қатағонлар йўли билан ҳам ўтказишга тайёр бўлган ҳолда НКВД кирдикорлари учун йўл очиб берди⁹⁷.

1937-1938 йилларда ИДҚА ва ИДҚФ қўмондон ва бошлиқ таркибига нисбатан кенг кўламли сиёсий қатағонлар амалга оширилиб, бу тадқиқотчилар томонидан СССРда «Катта террор»

⁹⁴ Вадим Роговин. Партия расстрелянных

⁹⁵ Профессор политологии и кандидат исторических наук Алексей Кара-Мурза в программе «Именем Сталина: историческое наследие сталинской эпохи»

⁹⁶ Хлевнюк О. В. Хозяин. Сталин и утверждение сталинской диктатуры. — М.: РОССПЭН, 2012. — С. 12—13.

⁹⁷ Жуков Ю. Н. Сталин: иной взгляд // Наш современник, № 12, 2004

сиёсати кўринишларидан бири сифатида изоҳланади. амалда 1936 йилнинг иккинчи ярмида бошланди, лекин 1937 йилнинг май-июнь ойларида М.Н.Тухачевский ва яна еттита юқори мансабли ҳарбийлар ҳибсга олинган ва ҳукм қилингандан кейин энг катта қамровга эга бўлди; 1937-1938 йиллар энг авжига чиқди, 1939-1941 йиллар эса, кескин пасайишдан сўнг, шиддати пасайган ҳолда давом этди.

Тарихчилар ИДҚАдаги қатағонлар мамлакатнинг мудофаа салоҳиятига жиддий путур етказгани ва бошқа омиллар билан бир қаторда, Улуғ Ватан урушининг бошланғич даврида совет кўшинларининг катта талофат кўришига сабабчи бўлгани ҳақида яқдил фикр билдирадilar.

Уша йилларда қатағон қилинганлар қаторидан Совет Иттифоқининг бешта маршалидан учтаси, биринчи ва иккинчи ранг армия қўмондонларининг 20 таси, биринчи ва иккинчи ранг флот флагманларининг 5 тасим, 69 та корпус қўмондони, 153 та дивизия қўмондони ва 247 нафар бригада қўмондони ўрин олган⁹⁸.

Тарихчилар орасида қатағонлар кўлами борасида ҳалигача бир мурасага келинмаган. Экспертларнинг таъкидлашича, қатағон қилинганлар аниқ сони ҳақида ахборот топиш жуда қийин, чунки Қизил Армияда қатағонлар қаттиқ махфийлик шароитларида амалга оширилган. Натижада аниқ маълумотлар ҳозиргача номаълум.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ РОЛИ

УРУШДАН ОЛДИНГИ ТАШҚИ СИЁСАТ

Янги катта уруш муқаррар эканлиги большевиклар партияси учун етарли даражада аён эди. Хусусан, Л.Б.Каменев ўзининг 1921 йил РКП (б) X съездида қилган «Капиталистик атроф-муҳит» номли маърузасида «янада даҳшатли, янада ҳалокатли уруш» бошланишини кутишга чақирган. Михаил Александров «Сталиннинг ташқи сиёсати доктринаси» номли асарида кўрсатишича, 1925 йил 30 май куни ИККИ маърузасида Сталин «ҳали Европада уруш бошланади ва албатта ҳамма бир-бири билан уришиб чиқади, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас» деб таъкидлаган. XIV съездда (1925 йил декабрь) Сталин Германия Версаль сулҳ шартларига рози бўлмаслигига ишонч билдирган.

⁹⁸ *Сувениров О. Ф.* Трагедия РККА 1937—1938. — М.: ТЕРРА, 1998. — С. 315.

Гитлера ҳукумат тепасига келгач, Сталин анъанавий совет сиёсатини кескин ўзгартирди: агар илгари у Версаль тизимига қарши Германия билан иттифоққа, Коминтерн йўналиши бўйича эса – асосий душман сифатида социал-демократларга қарши курашга («социал-фашизм» назарияси – шахсан Сталин кўрсатмаси ⁹⁹) қаратилган бўлса, эндиликда у СССР ва собиқ Антанта мамлакатлари таркибида Германияга қарши ва коммунистларнинг барча сўл кучлар билан фашизмга қарши иттифоқ (халқ fronti тактикаси) тузишга қаратилган. Бу позиция дастлаб изчил ва тадрижий эмасди: 1935 йил Германия ва Польша ўртасидаги яқинлашувдан хавторига тушган Сталин бир-бирига ҳужум қилмаслик ҳақида пакт имзолашни Гитлерга махфий равишда таклиф қилди, лекин рад жавобини олди¹⁰⁰.

1941 йил 5 май куни ҳарбий академиялар битирувчилари олдида сўзга чиққанда Сталин 1930-йилларда рўй берган қуролли кучларни қайта қуроллантиришга яқун ясади, Германия армияси енгилмас ҳисобланмаслигига ишонч билдирди. Д.А.Волкоғонов бу нутқни қўйидагича талқин қилади: «Доҳий аниқ тушунишга имкон берди: яқин келажакда уруш бўлиши муқаррар. Германия фашизмини сўзсиз тор-мор қилишга тайёр туриш керак... Уруш ғанимлар ҳудудида олиб борилади ва ғалабага кам қон эвазига эришилади».

Шу билан бир пайтда, Сталин ғарб давлатлари иккита асосий иттифоқлари ўртасида айёрлик билан иш кўрсатишни афзал кўради. 1939 йил Германиянинг Англия ва Франция билан тўқнашувидан фойдаланиб, СССР Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия ҳудудларини ўзига қўшиб олди ва Финляндияга қарши уруш очди, бунинг учун эса 1939 йил декабрида агрессор сифатида Миллатлар Лигасидан чиқариб юборилди. Финляндия қўйган талаблар олдида ўзини оқлаш учун СССР Германия жумладан, Финляндия орқали Россияга ёндан зарба беришни режалаштирганлигини маълум қилди.

Совет Иттифоқи то Гитлер ҳужум қилмагунга қадар нацистлар Германияси билан ҳамкорлик қилган. Бу борада дўстлик ва фаол савдо тўғрисида шартномалардан тортиб НКВД ва гестапо қўшма парадлари ва анжуманлари ўтказишга қадар бўлган кўп сонли ҳужжат ва далиллар мавжуд ¹⁰¹. Дўстлик тўғрисида шартнома

⁹⁹ Пронин А. А. Советско-германские соглашения 1939 года. Истоки и последствия. — Екатеринбург: Изд-во УрГЮА, 1998. — 136 с.

¹⁰⁰ Рольф Аманн. Пакт между Гитлером и Сталиным. Оценка интерпретаций советской внешней политики, включая новые вопросы и новые исследования

¹⁰¹ Louis Robert Coatney. The Katyn massacre

имзолашдан олдин Сталин Риббентропга қуйидаги сўзларни айтган¹⁰²:

Бироқ, агар кутилган натижаларга қарамай, Германия оғир вазиятга тушиб қоладиган бўлса, у своет халқи Германияга ёрдамга келиши ва Германияни бўғиб ташлашларига йўл қўймаслигига ишончи комил бўлсин. Совет Иттифоқи Германия кучли бўлишидан манфаатдор ва Германияни ерга юзтубан ётқизишларига йўл қўймайди ...

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил, яъни 1941 йил июнь ойдан қарийб икки йил олдин бошланди ҳамда Гитлер ва Сталин расмий дўстлиги белгиси остида борди¹⁰³. 1939 йилнинг декабрида 60 йиллик юбилей муносабати билан табриқка жавобан Сталин Риббентропга қуйидагича жавоб қайтарди:

Сизга миннатдорчилик изҳор этаман, жаноб министр. Германия ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги қон билан мустаҳкамланган дўстлик абадий ва кучли бўлиш учун барча асосларга эга.

1940 йил Совет Иттифоқи жами экспортининг 52 фоизи Германияга йўналтирилганди¹⁰⁴. 1940 йилнинг 1 августида Олий Совет сессиясида сўзга чиққан Молотов Германия Совет Иттифоқидан асосий ёрдамни шарқ томонда тинчлик ва хотиржамлик кўринишида олди деб айтди.

Шу билан бирга, иттифоқдошлар ўртасидаги муносабатлар, албатта, беғубор эмасди. И.Хоффманнинг кўрсатишича, 1940 йил ноябрда Сталин Германияга советлар таъсир доирасини Руминия, Югославия, Болгария, Греция, Венгрия ва Финляндияга янада кенгайтириш бўйича талабларини билдирган. Бу талаблар Германия ҳукумати томонидан ўта душманларча муносабатда қабул қилинди ва 1941 йил 22 июнда СССРга ҳужум қилиш сабаблардан бирига айланди.

¹⁰² Приложение. Документ № 23. Из записи бесед И. фон Риббентропа с И. В. Сталиным и В. М. Молотовым // 1941-й год. Книга вторая / Сост.: Л. Е. Решин, Л. А. Безыменский, В. К. Виноградов. — М.: МФД, 1998. — (Россия XX век). — ISBN 5-89511-012-6.

Россия и Германия: в годы войны и мира (1941—1995) / Ред.: Д. М. Проэктор, О. Н. Прудков, С. З. Случ, Й. Лезер, Х.-А. Якобсен (нем.). — М.: Гея, 1995. — С. 80. — 566 с.

¹⁰³ Станислав Сергеев. Договаривались ли Генералиссимус и Гитлер о войне с союзниками? // Известия, 9 мая 2007.

Олег Хлебников. Скрепленные кровью // Новая газета, № 92, 24 августа 2009 г.

Norman Davies. Europe: a History. — Oxford University Press, 1996. — P. 1001. — ISBN 0198201710.

Оглашению подлежит: СССР-Германия 1939—1941 (Документы и материалы) / Сост. Ю. Г. Фельштинский. — М.: Московский рабочий, 1991

¹⁰⁴ Сергей Случ, Нателла Болтынская в эфире программы «Именем Сталина: Пакт Молотова-Риббентропа» // Эхо Москвы, 22 августа 2009 г.

Бир қатор тарихчилар¹⁰⁵ Сталинга кўплаб манбалар 1941 йил 22 июнни уруш бошланадиган сана сифатида маълум қилган эканлигини кўрсатиб, Совет Иттифоқининг урушга тайёр бўлмаганлиги ва урушнинг бошланғич даврида кўрилган улкан йўқотишлар ва талофатлар учун жавобгарликни шахсан Сталинга юклайди. Хусусан, Меркулов «старшина» номи остида маълум бўлган Берлин резидентураси агентидан олинган ахборотни Сталинга етказди¹⁰⁶ : «Германиянинг СССРга қарши қуролли чиқишга тайёргарлик бўйича барча ҳарбий тадбирлари тўлиқ яқунланди ва исталган пайт зарба берилишини кутиш лозим». Бунга жавобан Сталин қуйидагича резолюция қолдирди: «Эҳтимол, Германия авиацияси штабидаги «манбангиз»ни онасини ...га жўнатиш керақдир. Бу «манба» эмас, фирт дезинформатор-ку!»¹⁰⁷.

КАТЫНДА ПОЛЬШАЛИК ОФИЦЕРЛАРНИНГ ОТИБ ЎЛДИРИЛИШИ

1940 йил баҳорида СССР НКВД ходимлари томонидан 21857 нафар поляк асири отиб ўлдирилди¹⁰⁸.

2010 йил 26 ноябрда Россия Давлат Думаси, КПРФ фракцияси томонидан қаршилик кўрсатилган ҳолда¹⁰⁹, «Катынь фожиаси ва унинг қурбонлари тўғрисида» баёнеот қабул қилди. Ушбу баёнеотда Катынь фожиаси бевосита Сталин ва бошқа совет раҳбарларининг кўрсатмаси бўйича сдир этилган жиноят деб тан олинди ва Польша халқига ҳамдардлик билдирилди¹¹⁰.

СТАЛИН УЛУҒ ВАТАН УРУШИНING ИЛК КУНЛАРИДА

22 июнь соат 5 дан 45 дақиқа ўтганда Сталин Кремлдаги ўз кабинетида СССР ташқи ишлар халқ комиссари В. М. Молотов, ички ишлар халқ комиссари Л. П. Берия, мудофаа халқ комиссари

¹⁰⁵ Яременко В. А. Неуёмные амбиции Сталина. О них надо помнить в любом историческом споре о дне 22 июня. // Военно-промышленный комплекс, № 25 (191), 4—10 июля 2007 г.

¹⁰⁶ Внешняя разведка в предвоенный период (1935—1941)

Александр Витковский. Внезапность, которую ждали и... не верили // Парламентская газета, 20.06.2001.

Спецсообщение В. Н. Меркулова — И. В. Сталину

Адольф Гитлер — Иосифу Сталину: О провокациях немедленно сообщайте мне...

¹⁰⁷ Спецсообщение В. Н. Меркулова — И. В. Сталину

¹⁰⁸ «Катынь: хроника событий»: Справка Международного общества «Мемориал» // Полит.ру, 19 марта 2008.

¹⁰⁹ Би-Би-Си: «Дума признала расстрел в Катыни преступлением Сталина»

¹¹⁰ «О Катынской трагедии и её жертвах» Заявление Государственной Думы о расстреле в Катынском лесу

С. К. Тимошенко, СССР ХКС Раиси ўринбосари Л. З. Мехлис ва ИДҚА Бош штаби Бошлиғи Г. К. Жуковни қабул қилди.¹¹¹

Уруш бошланган куннинг эртасига (1941 йил 23 июнь) СССР ХКС ва ВПК (б) МҚ қўшма баёноти билан¹¹² СССР Қуролли кучлар Бош Қўмондонлиги Ставкаси ташкил қилинди. Ставка таркибига Сталин ҳам киритилиб, унинг раиси этиб мудофаа халқ комиссари, Совет Иттифоқи маршали С. К. Тимошенко тайинланди. 24 июнь кун СССР ХКС ҳузурида эвакуация комиссияси ташкил этиш тўғрисида СССР ХКС ва ВПК (б) МҚ қарорини имзолади, ушбу қарорда комиссия СССР ғарбий қисми «аҳолиси, муассасалар, ҳарбий ва бошқа юклар, корхоналарнинг асбоб-ускуналари ва бошқа моддий бойликларни» эвакуация қилишни ташкиллаштириши кўзда тутилди.

28 июнь кун Минск шаҳри таслим бўлгач, Сталин руҳий тушкунликка тушиб қолди¹¹³. 29 июнь кун Сталин Кремлга келмади ва бу унинг атрофидагилар орасида кучли хавотир уйғотди. 30 июнь куннинг иккинчи ярмида Сиёсий бюро бўйича ҳамкасблар унинг олдида Кунцевога келишди ва, уларнинг айримлари қолдирган таассуротга кўра, Сталин уни ҳибсга олишмоқчи деб ўйлади¹¹⁴. Йиғилганлар Давлат мудофаа қўмитаси ташкил қилишга қарор қилдилар. «Кўриб турганимиздек, Сталин бир суткадан сал кўпроқ вақт давомида мамлакат ишларида иштирок этмаган», - деб ёзади Р. А. Медведев¹¹⁵.

ҲАРБИЙ РАҲБАРЛИК

Уруш бошида Сталин заиф стратег эди, кўплаб кўплаб ноқулай қарорларни қабул қиларди. Бунда қарорларга мисол тариқасида доктор Саймон Сибег-Монтефиоре 1941 йил сентябрида рўй берган вазиятни келтириб ўтади: гарчи барча генераллар Сталиндан Киев

¹¹¹ На приёме у Сталина. Тетради (журналы) записей лиц, принятых И. В. Сталиным (1924—1953 гг.)). — М.: Новый хронограф, 2008

¹¹² Ставка Верховного Главнокомандования / Павленко И. Г. // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. — 3-е изд. — М. : Советская энциклопедия, 1969—1978.

¹¹³ Сталин и начало Великой Отечественной Войны

Британский историк, доктор исторических наук, Саймон Сибег-Монтефиоре Секреты жизни и смерти Сталина («Le Nouvel Observateur», Франция)

McCauley M. Stalin and stalinism. Burnt Mill, England, 1983. P. 45

Medvedev A A On Stalin and stalinism. Oxford, 1979. P. 122

Ulam A. Stalin: The man an his era. N.Y., 1973. P. 540

Рангур-Лаферриер Д.: Психика Сталина. Прогресс-Академия. 1996. С. 173

Whaley V. Codeword BARBAROSSA. Cambridge, 1973. P. 218

Fromm E. The anatomy of human destructiveness. N.Y., 1973. P. 203

¹¹⁴ Британский историк, доктор исторических наук Саймон Сибег-Монтефиоре Секреты жизни и смерти Сталина («Le Nouvel Observateur», Франция)

Кабинет Сталина. 22 июня 1941 года

¹¹⁵ Кабинет Сталина. 22 июня 1941 года

остидан қўшинларни олиб чиқишни сўраган бўлсада, у нацистларга бешта армиядан иборат ҳарбий гуруҳларни «қоп»га тушириш ва қириб ташлашга имкон берди¹¹⁶.

Шу билан бир вақтда, Совет Иттифоқи Маршали Г.К.Жуковнинг фикрига кўра, Сталинград жангидан бошлаб Сталин ўзини «...фронт операциялари ва фронтлар гуруҳларининг операцияларини ташкил қилиш масалаларидан яхши хабардор бўлган ва уларни ишнинг кўзини билган, муҳим стратегик масалаларни ҳам яхши тушунган ҳолда раҳбарлик қила оладиган», шунингдек, «стратегик вазиятда асосий бўғинни топа оладиган» киши сифатида кўрсата бошлади. Умуман, Г. К. Жуков Сталинни «мақтовга сазовор, муносиб Олий Бош Қўмондон» деб баҳолайди. Бундан ташқари, Г.К.Жуков И. В. Сталинни «операциялар таъминлаш, стратегик захиралар яратиш, жанговар техника ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва умуман, уруш олиб бориш учун барча зарур нарсалар яратиш»да «мислсиз ташкилотчи» сифатида «муносиб равишда баҳолаш» зарур деб ҳисоблайди¹¹⁷. 1942 йил "Тайм" журнали Сталинни "йил инсони" деб атади¹¹⁸.

Бошқа томондан, Г. К. Жуковнинг кўрсатишича, илгари шахсан Сталин номи билан боғланган уруш санъатидаги қатор ишланмалар (артиллерия ҳужуми усуллари, ҳаво жангида устунликни қўлга киритиш усуллари, душманни қуршаб олиш усуллари, қуршаб олинган душман гуруҳларини бўлиб ташлаш ва уларни алоҳида қисмлар бўйича йўқ қилиш ва ҳ.к.) аслида кўп сонли ҳарбий мутахассислар фаолиятининг маҳсули эканлиги аниқланди. Г. К. Жуковнинг фикрига кўра, бу ишланмаларда Сталин қўшган ҳисса унга чуқур билимга эга мутахассислар томонидан тақдим этилган ғояларни директива ҳужжатлари кўринишида ривожлантиргани, умумлаштиргани ва амалга оширганидан иборат, холос .

УРУШНИНГ БОШЛАНГИЧ ДАВРИ

Уруш бошлангандан кейин бир ҳафта ўтгач (1941 йил 30 июнь) Сталин эндигина ташкил қилинган Давлат мудофаа қўмитасига Раис этиб тайинланди. 3 июлда Сталин совет халқига радио орқали қўйидаги сўзлар билан бошланган мурожаат қилди: «*Ўртоқлар,*

¹¹⁶ Доктор исторических наук, Саймон Сибег-Монтефиоре, «Секреты жизни и смерти Сталина» («Le Nouvel Observateur», Франция)

¹¹⁷ Жуков Г. К. Воспоминания и размышления. Ставка Верховного Главнокомандования

¹¹⁸ Архивы: Стоять насмерть, «Тайм», 04.01.1943 г./ИноСми, 09.05.2015.

фуқаролар, биродарлар ва опа-сингиллар, армия ва флотимиз жангчилари! Мен сизларга мурожаат қиляпман, азиз дўстларим!» 1941 йил 10 июлда Бош Қўмондон Ставкаси Олий Қўмондонлик Ставкасига айлантирилди ва Тимошенко ўрнига Сталин раис этиб сайланди.

1941 йил 19 июлда Сталин Тимошенконинг мудофаа халқ комиссари ўрнини ҳам эгаллади¹¹⁹. 1941 йил 8 августдан бошлаб СССР Олий Совети Президиуми Фармони билан Сталин СССР Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондони этиб тайинланди.

1941 йил 31 июль куни Сталин АҚШ Президенти Франклин Рузвельтнинг шахсий вакили ва энг яқин маслаҳатчиси - Гарри Гопкинсни қабул қилди¹²⁰. Сталин 16-20 декабрь кунлари Москвада Буюк Британия ташқи ишлар министри Э.Иден билан СССР ва Буюк Британия ўртасида Германияга қарши урушда иттифоқ тўғрисида ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш масаласи бўйича музокаралар олиб борди.

1941 йилнинг 16 августидан Сталин Олий Бош қўмондонлик Ставкасининг 270-сонли буйруғини имзолади. Ушбу буйруқда қўйидагилар белгилаб қўйилганди: *«Жанг пайти ўзидан унвон билдирувчи белгиларни юлиб ташлаган ва фронт орқасига дезертирлик қиладиган ёки душманга асир тушадиган командирлар ва сиёсий ходимларни уларнинг оила аъзолари қасамёдни бузган ва Ватанини сотган дезертирлар оиласи сифатида ҳибсга олиниши лозим бўлган»* (қ.: 270-сонли буйруқ).

1941 йил Москва жанги вақтида, Москва қамал ҳолатида эканлиги эълон қилингандан сўнг ҳам Сталин пойтахтни тарк этмади. 1941 йил 6 ноябрда Сталин метронинг «Маяковский» бекатида Октябрь инқилобининг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзга чиқди. Ўз нутқида Сталин урушнинг Қизил армия учун омадсиз бошланишини *«танклар ва қисман авиация етишмаслиги»* билан изоҳлади¹²¹.

Эртаси куни, 1941 йилнинг 7 ноябрида Сталиннинг топшириғи бўйича Қизил майдонда анъанавий ҳарбий парад ўтказилди.

1941-1942 йилларда Олий Бош қўмондон Можайск, Звенигород, Солнечногорск мудофаа сарҳадларини бориб кўрди, шунингдек, Волоколамск йўналишидаги госпиталга ва 16-армияга ташриф

¹¹⁹ Указ Президиума Верховного Совета СССР «О назначении Председателя Совета народных комиссаров тов. И. В. Сталина народным комиссаром обороны СССР» от 19.07.1941 г. // «Правда», № 199 (8607), 20.07.1941.

¹²⁰ На приеме у Сталина. Тетради (журналы) записей лиц, принятых И. В. Сталиным (1924—1953 гг.) — М.: Новый хронограф, 2008.

¹²¹ Сталин И. В. Доклад на торжественном заседании Московского совета депутатов трудящихся с партийными и общественными организациями города Москвы. 6 ноября 1941 года // «Правда», 7.11.1941.

буюрди, бу ерда БМ-13 («катюша») ракета қурилмаси ишини кўрди, сўнгра И.В.Панфилов бошчилигидаги 316-дивизияга ташриф буюрди. 1942 йил Сталин Лама дарёсининг нариги томонидаги аэродромга самолет синовларига борди. 1943 йил 2 ва 3 августда Ғарбий фронтга ташриф буюрди. 4 ва 5 август кунлари Калинин frontiда бўлди. 5 август куни жанговар ҳаракатлар олиб борилаётган Хорошево қишлоғига (Ржевск райони) келди. Олий Бош қўмондон шахсий қўриқлаш хизмати ходими А. Т. Рыбиннинг хотирлашича: *«Сталин шахсий қўриқлаш хизматининг кузатишига кўра, уруш йилларида Сталин ўзини жуда бебош тутган. Сиёсий бюро аъзолари ва Н.Власик ҳавода портлаган снарядларнинг учиб келаётган парчаларидан ҳимоя қилиш учун уни зўрлаб пана жойга туртиб киритишарди».*

1942 йил 30 май куни Олий Бош қўмондонлик Ставкаси ҳузурида Партизанлар ҳаракати Марказий штаби ташкил қилиш ҳақида ДМҚ қарорини имзолади. 1942 йил 5 сентябрда босқинчи душманлар ортида курашни ташкил қилишнинг дастурий ҳужжатига айланган «Партизанлар ҳаракатининг вазифалари тўғрисида» буйруқ чиқарди.

1942 йил 28 июлда Сталин мудофаа халқ комиссари сифатида Қизил армияда интизомни кучайтирган, қўшинларнинг раҳбар буйруғисиз чекинишини тақиқлаб қўйган, фронтлар таркибида жарима батальонлари ва армиялар таркибида жарима роталари, шунингдек, армиялар таркибида тўсувчи отрядлар жорий қилган 227-сонли буйруқни имзолади.

Тўсувчи отрядлар жорий қилиниши Сталиннинг ихтироси бўлмаган; бунга ўхшаш усуллар большевиклар томонидан фуқаролар уруши давомида ҳам қўлланганди. Тадқиқотчилар В.Краснов ва В.Дайнеснинг таъкидлашича, Сталиннинг машҳур 227-сонли буйруғи амалда Троцкийнинг 1918 йил 24 ноябрдаги Жанубий фронтга 65-сонли буйруғи қоидаларини такрорлади. 65-сонли буйруқ ҳалигача одамларни шафқатсизлиги билан ҳайратда қолдиради; у нафақат дезертирларни, балки уларни яширган одамларни ҳам отиш, уларнинг уйларига ўт қўйишни талаб қиларди.

УЛУҒ ВАТАН УРУШИНING БОРИШИДАГИ БУРИЛИШ

1943 йил 11 февралда Сталин атом бомбаси яратиш ҳақида ДМҚ қарорини имзолади. Сталинград жангида асос солинган урушдаги туб бурилиш Қизил Армиянинг 1943 йилда Қишки ҳужумлар давомида янада ривожлантирилди. Курск жангида эса Сталинград

остида бошланган иш якунланди, нафақат Улуғ Ватан урушида, балки бтун Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш рўй берди.

25 ноябрда Сталин СССР ташқи ишлар халқ комиссари В. М. Молотов ва ДМҚ аъзоси, СССР ХКС Раиси ўринбосари К. Е. Ворошилов ҳамроҳлигида Сталинград ва Бокуга боради, у ердан эса самолетда Техронга (Эрон) учади. 1943 йил 28 ноябрдан 1 декабргача Сталин Техрон конференциясида – Иккинчи жаҳон уруши йилларида «Катта учлик» - СССР, АҚШ ва Буюк Британия раҳбарларининг илк конференциясида иштирок этади.

УРУШНИНГ ТУГАШИ

1945 йилнинг 4 февраль-11 февраль кунлари Сталин иттифоқчи давлатларнинг урушдан кейинги жаҳон тартибини ўрнатиш масалаларига бағишланган Ялта конференциясида иштирок этади.

Бир қатор шахслар Рейхстаг узра айнан совет байроғи ўрнатилгани муҳим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Фан номзоди Никита Соколов «Эхо Москвы» радиоси эфирида буни шу билан изоҳлайдики, америкаликлар ва британияликлар бир нечта йирик шаҳарни, жумладан, Берлинни забт этишни рад қилади, чунки бу кўплаб инсонлар қурбон бўлишига олиб келиши мумкин эди¹²².

Шу билан бир пайтда Дж. Боффа айтиб ўтадики, генерал Эйзенхауэрнинг режаларига қарши «Черчилль ва британиялик генераллар нима қилиб бўлса ҳам, Берлинга руслардан олдин киришга интилади»:

Шундай қилиб, апрель ойининг бошларида [1945 йил], Сталиннинг қўлига иккита бир-бирини инкор қиладиган ҳужжат тушиб қолади: Эйзенхауэрнинг мурожаати ва совет разведкасининг Монтгомери қўшинлари Берлинга зарба беришга тайёрланаётгани ҳақида хабари. Сталин Эйзенхауэрнинг садоқатини юқори баҳолади, лекин барибир ҳийла-найрангдан фойдаланишга қарор қилди. Америкалик генералга жавобан унинг режаларини маъқуллади ва шу билан бир вақтда Берлин аввалги стратегик аҳамиятини йўқотгани ва шу тўғрисида совет қўшинлари шаҳарни олиш учун иккинчи даражали кучларни юборишига ишонтира олди. Аслида эса Сталин эндигина ушбу урушда сўнгги йирик ҳужум – Германия пойтахтига ҳужум уюштириш ҳақида буйруқни имзолаганди. Совет халқи кўз олдида Берлиннинг ишғол қилиниши уларнинг ғалабасини

¹²² Кандидат исторических наук Никита Соколов в программе «Именем Сталина: Мифы и легенды Сталинской эпохи»

муносиб тақдирлайдиган мукофот бўлиб кўринарди. Гап фақат обрў, нуфузда ҳам эмасди. Берлиннинг қўлга олиниши СССР Германия тақдирини ҳал қилиш масаласида бошқаларнинг у билан ҳисоблашишга мажбур қилишнинг кафили бўларди.¹²³

Тадқиқотчи Г.П.Кыниннинг ҳисоблашича, америкалик ва британиялик иттифоқчиларнинг режалари ҳақида билиб олгач, Сталин совет кўшинларининг асосий зарбаси «май ойининг иккинчи ярми»га мўлжалланган деган ёлғон хабар бериб, уларни атайлаб чалғитди (аслида ҳужум 16 апрелда бошланди, гарчи 2-Белорусския фронти унга тайёрланишга улгурмаётган бўлсада).

1945 йил 1 апрелда президент Рузвельтга мурожаатида Черчилль қўйидагича фикр билдирди «... сиёсий нуқтаи назардан биз Германияда шарқ томон имкон қадар кўпроқ ҳаракатланишимиз ва Берлинга бизнинг қўлимиз етадиган жойга етганда уни албатта ишғол қилишимиз лозим». Черчиллнинг хавотирларига генерал Эйзенхауэр қўйидагича жавоб қайтарди: «Албатта, агар қайсидир фурсатда кутилмаганда бутун фронт бўйлаб қаршилиқ синдирилса, биз олға томон ҳаракат қиламиз, Любек ва Берлин бизнинг муҳим мақсадларимиз қаторидан ўрин олади».

Совет Армияси томонидан 1945 йил 16 апрелда Берлин операциясининг бошланиши билан Черчилль инглиз-америка кўшинлари Берлин томон ёриб ўтиш учун жисмонан имкониятга эга эмаслигини тушуниб етди ва асосий эътибор советлар қўшинининг Данияни босиб олишига йўл қўймаслик миқдорида Любек шаҳрини ишғол қилишга қаратди.

Лондон университетининг рус тарихи профессори Орландо Файджес Discovery Civilisation телеканали эфирида Сталиннинг бу урушда ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида эътироз билдиради¹²⁴ ва 1941 йилда мамлакат саноати, қишлоқ хўжалиги ва маънавий руҳининг урушга умуман тайёр бўлмаганлигини кўрсатади.

ХАЛҚЛАР ДЕПОРТАЦИЯЛАРИ

СССР да кўплаб халқлар оммавий депортацияга учраган, чунончи: корейслар, немислар, фин-ингерманландлар, қорачайлар, қалмиқлар, чеченлар, ингушлар, болқорлар, қрим татарлари ва месхети турклари. Уларнинг орасида еттита миллат – немислар,

¹²³ Победа и её тениевые стороны // Джузеппе Боффа

¹²⁴ Профессор русской истории Лондонского университета Орландо Файджес. 19 минут 45 секунд

қорачойлар, қалмиқлар, ингушлар, чеченлар, болқорлар ва қрим татарлари миллий автономиядан ҳам маҳрум этилган.

СССРда совет фуқароларининг бошқа кўплаб этник, этник-диний ва ижтимоий тоғалари – казаклар, қулоқлар, турли миллат вакиллари – поляклар, озарбайжонлар, курдлар, хитойликлар, руслар, эронийлар, яхўдий-эронийлар, украинлар, молдаванлар, литваликлар, латишлар, эстонлар, греклар, болгарлар, арманлар, қабардинлар, арман-хемшинлар, арман-дашноқлар, турлар, тожиклар ва бошқалар депортацияга учраган¹²⁵.

Депортациялар СССР иқтисодиёти, маданияти ва халқларнинг анъаналарига улкан зиён етказди. Турли халқлар ўртасида қарор топган иқтисодий ва маданий алоқалар узилди, халқ оммасининг миллий ўзлиги бузилди. Давлат ҳукумати обрўсига путур етди, миллий муносабатлар соҳасида давлат сиёсатининг салбий жиҳатлар намоён бўла бошлади¹²⁶.

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАР

Иқтисодий сиёсат. Ҳарбий-саноат комплексининг ривожланиши

1947 йил 14 декабрда Сталин СССР Министрлар Совети ва ВКП (б) МҚнинг 4004-сонли «Пул ислоҳоти ўтказиш ҳамда озиқ-овқат ва аноат товарларига карточкаларни бекор қилиш тўғрисида»ги Қарорини имзолади¹²⁷. Пул ислоҳоти мусодара билан деноминация шаклида бўлди, у кейинчалик 1993 йил Россияда амалга оширилган Павлов ислоҳотига жуда ўхшаб кетарди¹²⁸. Яъни аҳолидан унинг барча жамғармалари олиб қўйилди. Эски пуллар янги пулларга 10 рублга 1 рубль пропорциясида алмаштирилди.

1948 йил 20 октябрда СССР Министрлар Совети ва ВКП (б) МҚнинг 3960-сонли «СССРнинг Европа қисми дашт ва ўрмон-дашт ҳудудларида барқарор юқори ҳосилни таъминлаш учун ҳовузлар ва сув ҳавзалари қуриш, ўт-далали алмашлаб экишни жорий қилиш, дала ихоталари режаси тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган бўлиб, у Табиатни ўзгартириши бўйича Сталин қонуни номи билан тарихга кирди. *Коомунизм буюк қурилишлари* номини олган йирик

¹²⁵ Депортация народов в СССР. Справка // РИА Новости. — 14 ноября 2009 года.

¹²⁶ Репрессии народов СССР: последствия трагедии / Ястребов А.В. — Самара: ГУСО ДДН, 2007

¹²⁷ Постановление Совета Министров СССР, ЦК ВКП(б) от 14.12.1947 N 4004 «О проведении денежной реформы и отмене карточек на продовольственные и промышленные товары»

¹²⁸ Доктор исторических наук, главный специалист государственного архива Российской Федерации Олег Хлевнюк в программе «Именем Сталина „Иосиф Сталин: последние годы“»

миқёсдаги саноат электростанциялари ва каналлар қурилиши ушбу улкан режанинг таркибий қисмлари бўлди.

Сталин вафот этган йили қишлоқ хўжалик ходимининг бир суткалик овқатланиш тартиби ўртача калориялиги 1928 йилги даражадан 17 фоиз паст эди¹²⁹. ЦСУ махфий маълумотларига кўра, инқилобдан олдинги овқатланиш даражаси фақат 50-йиллар охири – 60-йиллар бошига келиб тикланди¹³⁰.

1945 йил 24 июлда Потсдам шаҳрида Трумэн Сталинга АҚШ *«эндиликда мисли кўрилмаган вайрон қилувчи кучли қуролга эга»* эканлигини маълум қилди. Черчилнинг хотирлашича, Сталин жилмайиб қўйди, лекин тафсилотлар билан қизиқиб ҳам кўрмади. Бундай Черчилль ўзича Сталин ҳеч нарсани тушунмади ва воқеалар ривожидан хабардор эмас деган хулоса чиқарди¹³¹. Сталин худди шу кун оқшом пайти Молтовга Курчатов билан атом лойиҳаси бўйича ишларни тезлаштириш ҳақида гаплашиб олишни буюрди. 1945 йилнинг 20 августида ДМҚ атом лойиҳасига раҳбарлик қилиш учун Л.Берия бошчилигида фавқулодда ваколатларга эга бўлган Махсус қўмита ташкил қилди. Махсус қўмита қошида ижроия органи – СССР ХКС ҳузуридаги Биринчи бош бошқарма (ПГУ) ташкил қилинди. Сталин директиваси ПГУ га 1948 йилгача атом бомбаси, уран бомбаси ва плутоний бомбаси яратишини таъминлаш вазифасини топширди. 1946 йил 25 январда Сталин биринчи марта атом бомбаси муаллифи, академик И. В. Курчатов билан учрашди; учрашувда қуйидагилар қатнашди: атом энергиясидан фойдаланиш фойдаланиш бўйича Махсус қўмита раиси Л. П. Берия, ташқи ишлар халқ комиссари В. М. Молотов, СССР Давлат режа қўмитаси раиси Н. А. Вознесенский, ХКС раиси ўринбосари Г. М. Маленков, ташқи савдо халқ комиссари А. И. Микоян, ВКП(б) МҚ котиби А. А. Жданов, СССР Фанлар Академияси президенти С. И. Вавилов, СССР ФА академиги С. В. Кафтанов. 1946 йил Сталин томонидан атом фани ва техникаси ривожланишини белгилаб берган олтмишга яқин ҳужжат имзоланди, уларни бажариш натижасида 1949 йил 29 августда Қозоғистон ССР Семипалатинск вилоятида жойлаган полигонда биринчи совет атом бомбаси муваффақиятли синовдан ўтди, шунингдек, Обнинск шаҳрида дунёда биринчи АЭС қурилди (1954 йил).

¹²⁹ Wheatcroft S. G. The first 35 years of Soviet living standards: Secular growth and conjunctural crises in a time of famines // Explorations in Economic History. 2009.

¹³⁰ Кандидат исторических наук, сотрудник Российской экономической школы Андрей Маркевич в программе «Именем Сталина: цена достижения советской индустриализации»

¹³¹ Сталин и советский атомный проект. И. И. Никитчук.

СТАЛИНИНГ ЎЛИМИ

Сталин ўзининг расмий қароргоҳида – урушдан кейин мунтазам равишда яшаб келган Ближняя дачада вафот этди. 1953 йилнинг 1 март куни кўриқчилардан бири уни кичик ошхона полида ҳушсиз ётган ҳолда кўриб қолди. 2 март куни эрталаб Ближняя дачага етиб келган шифокорлар Сталинга тананинг ўнг томони фалажи ташхисини қўйишди. 5 март, соат 21 дан 50 дақиқа ўтганда Сталин бу дунёдан кўз юмди¹³². Тиббий хулосага кўра, ўлим мияга қон қуйилиши натижасида рўй берган.

Касаллик тарихи ва мурдани ёриш натижалари шуни кўрсатадики, Сталинда бир нечта ишемик инсульт (лакунар, лекин, эҳтимол, шунингдек атеротромботик ҳам) бўлган, бу эса, Жаҳон неврологлар федерацияси президенти В.Хачински фикрига кўра, нафақат қонтомир когнитив бузилишларига, балки руҳиятнинг жуда тез бузилишига ҳам олиб келган¹³³.

Сталин ўлимнинг табиий эмаслиги ва унга атрофидагиларнинг алоқаси борлиги ҳақида кўплаб тахминлар мавжуд. Тарихчи И.И.Чигириннинг тахминига кўра, Н. С. Хрущёвни фитначи-қотил деб ҳисоблаш керак¹³⁴. Бошқа тарихчилар Сталиннинг ўлимига Л.П.Берия алоқадор деб ҳисоблайди. Деярли барча тадқиқотчилар Сталин сафдошлари тиббий ёрдам чақиритишга шошилмасдан, унинг ўлишига имкон туғдирган (қасддан бўлиши шарт эмас) деган яқдил фикр билдирадилар.

Сталиннинг бальзамлаб қўйилган танаси Ленин Мавзолейига жойлаштирилди ва у 1953-1961 йилларда «В.И.Ленин ва И.В.Сталин Мавзолейи» деб аталди. 1961 йил 30 октябрда КПСС XXII съезди «*Сталин томонидан Ленин васиятларининг жиддий бузилишлари... унинг танаси солинган тобутни Мавзолейда қолдиришга лойиқ эмас қилиб қўйган*» деб қарор қилди. 1961 йил 31 октябрдан 1 ноябрга ўтар кечаси Сталин танаси Мавзолейдан олиб чиқилди ва Кремль девори яқинидаги қабристонга дафн этилди¹³⁵.

СТАЛИН ШАХСИЯТИГА БАҲОЛАР

¹³² ПОСЛЕДНИЕ ГОДЫ ЖИЗНИ И. В. СТАЛИНА (1950—1953)

¹³³ Hachinski V. Stalin's last years: delusions or dementia? // European Journal of Neurology. 1999.

¹³⁴ Белые и грязные пятна истории

¹³⁵ Дурново А. Вынос тела Сталина из Мавзолея // Diletant. — 2912. — 31 окт.

Профессор А. А. Кара-Мурза «Эхо Москвы» радиостанцияси эфирда Сталиннинг ўзи кучли шахсга сиғинишни юзага келтирди ва бу билан то 1953 йил март ойига қадар, бутун ҳукмронлик даврида устувор мавзу сифатида шуғуллангани ҳақида фикр билдирди. Профессорнинг фикрига кўра, шахсга сиғиниш унинг биографиясига тузатишлар киритиш, гувоҳларни йўқ қилиш, янги дарсликлар яратиш, турли фанлар, санъат ва маданиятга аралашув йўли билан яратилган.

Ю. Н. Жуковнинг фикрига кўра, КПСС XX съездида «...*ортга қараб эволюция рўй берди. Партократия консерватив қисми шу қадар мустаҳкам ўрнашиб олгандики, ўзининг ўтмишдаги ёвузликлари, жиний ҳаракатлари учун бутун жавобгарликни марҳум диктатор шахсига сиғинишга юклаб қўйишга, ўзини эса гўёки қурбон сифатида кўрсатишга жазм қилди*».

Шахсга сиғиниш ғояси шундан иборат эдики, бутун совет халқи ҳамма нарса учун партия, давлат ва шахсан доҳий олдида ўзини қарздор ҳис қилиши лозим эди. Масалан, ижтимоий хизматлар ва умуман одамларда бор нарсалар учун Сталинга миннатдорчилик ифода этиш зарурати ушбу «совғалар» тизимининг жиҳатларидан бири бўлган. Джонс Хопкинс университети рус тарихи профессори Джеффри Брукснинг таъкидлашича, машҳур «Бахтли болалигимиз учун ўртоқ Сталинга раҳмат!» ибораси буни Сталин таъминлагани учун ҳам болалар бахтли болаликка эга эканлигини англатарди.

Сталин ҳаётлик даврида совет тарғиботи унинг атрофида «буюк доҳий ва устоз» ёғдусини яратган. Кўплаб корхона ва ташкилотлар ўз номига «*И. В. Сталин номидаги*» қўшимчасини қўшиб олган; Сталиннинг номи 1930-1950 йилларда чиқарилган совет техникаси номларида учратиш мумкин эди (Сталинец-1, Паровоз ИС, Сталинец-60, ИС-1 ва ИС-2 танклари). Сталин даврида матбуотда унинг номи Маркс, Энгельс ва Ленин билан бир қаторда тилга олинарди. Сталин ҳақида қўшиқлар ёзилган: шоир А. А. Сурковнинг сўзларига композитор В. И. Мурадели басталаган куй билан «Нас воля Сталина вела» ва «Песня о Сталине» (М. И. Блантер мусиқаси) қўшиқлари куйланарди. 1939 йил композитор С. С. Прокофьев Сталинга бағишлаб «Здравица» кантатасини ёзди. Сталиннинг номи кўплаб бадиий адабиёт асалари ва бадиий фильмларда ҳам учрайди.

Таъкидлаш жоизки, дунёнинг кўплаб мамлакатларида географик объектлар Сталин номи билан аталган.

Сталиннинг ўлимидан сўнг у ҳақида жамоатчилик фикри кўп жиҳатдан СССР ва Россия расмий шахсларининг нуқтаи назарига мувофиқ шаклланди. КПСС XX съездидан кейин совет тарихчилари

Сталинга СССР мафкуравий органлари нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда баҳо берарди. 1974 йил нашр этилган Ленин асарлари тўлиқ тўпламига исмлар кўрсаткичида Сталин ҳақида қуйидагилар ёзилган:

Сталин фаолиятида ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам ўринга эга бўлган. Энг муҳим партия ва давлат лавозимларини эгаллаб, Сталин жамоавий раҳбарлик қилиш ленинчи тамойиллари ва партия ҳаёти меъёрларини қўпол равишда бузишга, социалистик қонунчиликнинг бузилишига, Совет Иттифоқининг атоқли давлат, сиёсат ва ҳарбий арбоблари ва бошқа ҳалол совет кишиларига қарши асоссиз равишда оммавий қатағонларга йўл қўйди.

Карнеги Фондининг баёнотида қайд этилишича (2013), агар 1989 йил энг буюк тарихи шахслар «рейтинг»ида Сталиннинг номи минимал (12 %, Ленин — 72 %, Пётр I — 38 %, Александр Пушкин — 25 %) бўлган бўлса, 2012 йилга келиб у 49; кўрсаткич билан биринчи ўринга чиқиб олди. «Ижтимоий фикр» Фонди томонидан 2006 йилнинг 18-19 февраль кунлари ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови маълумотларига кўра, Россия аҳолисининг 47 фоизи Сталиннинг тарихдаги ролини умуман олганда ижобий, 29%и эса – салбий деб баҳолаган. «Россия» телеканали томонидан Россия тарихида энг қадрли, кўзга кўринган ва рамзий шахсни аниқлаш мақсадида ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови давомида (2008 йил 7 май-28 декабрь) Сталин катта фарқ билан етакчи позицияларни эгаллади. Яқунда Сталин ўзидан олдинги ўринларга фақат 1 фоиз ютқазган ҳолда учинчи ўринни эгаллади (қ. «Имя Россия»).

Карнеги Фондининг замонавий Россия ва Кавказорти тарихида Сталиннинг ролини баҳолашга бағишланган докладда (2013) қайд этилишича, унинг шахси собиқ СССР ҳудудида ҳалигача кўплаб одамларни қойил қолдирар экан. «Сизнинг Сталинга бўлган муносабатингизни қайси сўзлар яхшироқ тавсифлайди?» деган саволга россияликлар, арманлар ва озарбайжонларнинг асосий қисми *бепарволик* (мос равишда 32%, 25% ва 15 %), грузинлар эса – *ҳурмат* (27 %) деб жавоб берди, россияликлар ва арманларда *ҳурмат* – 21% ва 16 %ни ташкил қилди. Доклад муаллифларининг қайд этишича, респондентларнинг кўпчилиги Сталиннинг Германия устидан Совет Иттифоқи қозонган ғалабага қўшган ҳиссасини юқори баҳолайди, шу билан бирга, кўпчилик Сталин қатағонларига кескин салбий муносабатда – сўровда иштирок этганларнинг ярмидан кўпи буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмаслигини билдирган.

Лекин шунга қарамай, респондентларнинг 20 фоизга яқини қатағонларга сиёсий зарурат бўлган деб жавоб берган. Докладда шунингдек, иккита қарама-қарши тенденция ҳақида гапирилади: бир томондан, «Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин Россияда Сталинни қўллаб-қувватлаш ўсган», бошқа томондан эса – ёшлар мунозарали тарихий шахсга тобора бефарқ муносабатда бўлмоқда.

2015 цил бошида «Левада-центр» россияликларнинг Иосиф Сталинга муносабати барча ўлчовлар амалга оширилган йилларда максимал даражада бўлганлигини қайд этади (респондентларнинг 52 фоизи).

ИЖОБИЙ БАҲОЛАР

«Manchester Guardian» газетасининг 1953 йил 6 март сонида И. В. Сталин ўлимига ёзилган некрологда Совет Иттифоқини иқтисодий қолоқ мамлакатдан дунёнинг иккинчи ўринда турадиган саноати ривожланган давлат даражасига олиб чиқиши унинг ҳақиқий тарихий ютуқлари деб айтилади.

Сталин тарихий ютуқларининг моҳияти шундан иборатки, у Россияни омов билан бирга бўлган ҳолатда қабул қилган, ўзидан эса атом реакторига эга бўлган мамлакат қолдирган. У Россияни саноатнинг ривожланиш даражаси бўйича дунёнинг иккинчи ўринда турадиган давлатга айлантирган. Бу соф моддий тараққиёт ва ташкилотчилик натижаси бўлмаган. Бундай ютуқларга унинг давомида барча аҳоли мактабларга қатнаган ва тиришқоқлик билан ўқиган маданий инқилобсиз эришиб бўлмасди.

The Manchester Guardian. 6 March 1953.

1956 йил омов ва атом реактори ҳақидаги ибора Британия энциклопедиясининг «Сталин» номли мақоласидан ўрин олган¹³⁶.

Инглиз тарихчиси Саймона Себаг-Монтефиоренинг фикрига кўра, Сталин мислсиз интеллектуал қобилиятларга эга бўлган: мисол учун, у Афлотунни асл нусхада ўқий олган. Сталин ҳукумат тепасига келган пайтда, давом эттиради тарихчи, у барча нутқларни доимо ўзи, аниқ ва кўпинча нозик услубда ёзган.

Саймон Себаг-Монтефиорега кўра, билимсиз, жоҳил Сталин ҳақида уйдирма Троцкий томонидан ўйлаб топилган. Аслида эса Сталин 20 минг китобдан иборат кутубхонага эга бўлган, у ҳар куни бир неча соат вақтини китоб ўқишга сарфлаган, китоб ҳошиясига

¹³⁶ Encyclopædia Britannica: a new survey of universal knowledge. — London, 1956. — V. 21. — p.303

қайдлар киритган ва уларнинг каталогини юритган. Бунда Сталиннинг китоб ўқиш борасидаги диди эклектизмга мойил бўлган: Мопассан, Уайльд, Гоголь, Гёте, Золя. Бундан ташқари, унга шеърят ҳам ёқарди (ёшлик чоғида унинг ўзи грузин тилида шеърлар битган). Сталин кенг ва чуқур маълумотли, билимдон киши бўлган – у Библиядан, Бисмаркнинг илмий ишларидан, Чеховнинг асарларидан цитата келтира оларди, Достоевскийни ажойиб психолог санаган ҳолда унинг асарларидан ғоят завқ оларди.

Инглиз ёзувчиси Чарльз Сноу ҳам Сталиннинг маълумот даражасини жуда юқори деб тавсифлаган:

«Сталинга алоқаси бўлган кўп сонли қизиқарли ҳолатлардан бири куйидагича: у адабиёт нуқтаи назаридан ўз замонасининг қолган исталган давлат арбобларидан кўра анча билимдон ва маълумотли бўлган. У билан таққослаганда Ллойд Джордж ва Черчилль – ҳайратда қолдирадиган даражада ёмон ўқиган, маълумотсиз шахслардир. Умуман олганда, Рузвельт ҳам худди шундай шахс бўлган»¹³⁷.

САЛБИЙ БАҲОЛАР

Айрим тарихчиларнинг ҳисоблашича, Сталин томонидан шахсий диктатура ўрнатилган ¹³⁸ ; бошқалар эса 1930-йилларнинг ўрталаригача диктатура жамоавий характерга эга бўлган деб ҳисоблаган ¹³⁹. Тарихчи О. В. Хлевнюкнинг фикрига кўра, Сталин диктатураси энг аввало, кучли партия ва давлат структураларига, террор ва зўравонликка, шунингдек, жамиятни мафкуравий манипуляция қилиш, имтиёзли гуруҳлар танлаб олиш ва прагматик ҳодисалар шакллантиришга асосланган ўта марказлаган режимни ифодалаган. Оксфорд профессори Р. Хинглига кўра, чорак аср мобайнида, то ўлимига қадар Сталин тарихдаги бошқа ҳар қандай шахсдан кўра кўпроқ сиёсий ҳокимликка эга бўлган. У фақатгина муҳим қарорлар қабул қилган ва барча муҳим давлат чоратадбирлари ташаббусчиси бўлган етакчи, режим рамзи ҳисобланган. Сиёсий бюронинг ҳар бир аъзоси Сталин қабул қилган қарорларга ўз розилигини тасдиқлаши лозим эди, шу билан бир пайтда бу

¹³⁷ Gregory P., Harrison M. Allocation under Dictatorship: Research in Stalin's Archives // Journal of Economic Literature. 2005.

¹³⁸ Волкогонов Д. А. Сталин. Политический портрет. В 2-х книгах. Гл. 5. — М.: Новости, 1992. — ISBN 5-7020-0097-8

Бакунин А. В. История советского тоталитаризма. В 2-х кн. — Екатеринбург: Институт истории и археологии УрО РАН, 1996. Т. 1; 1997. Т. 2. — ISBN 5-7851-0053-3

Хлевнюк О. В. 1937-й. Сталин, НКВД и советское общество. — М.: Республика, 1992.

¹³⁹ Портретам Сталина не место на улицах Москвы

қарорлар ижроси учун жавобгарликни Сталин ўз қўл остидаги шахсларга топширган.

Айрим сиёсатчилар, фан, маданият ва санъат арбоблари, шунингдек, Москва патриархит ғалаба Сталин туфайли эмас, балки унга қарамасдан эришилган деган фикрга таянади. Совет фани, адабиёти ва санъатининг 25 та вакили ёзган очиқ хатда Сталиннинг урушга тайёр эмаслик учун жавобгарлиги ҳақида гапирилади. 2010 йил 20 апрелда ёзилган очиқ хатда фахрийлар ҳам Сталинни танқид қилдилар ва унинг Гитлер билан келишувчини «жинояткорона» битим сифатида тавсифладилар. Шу билан бирга, бошқа фахрийлар уруш йилларидаги Сталин хизматларини видероликлар ва плакатлар ёрдамида қайд эитшни таклиф қилган. Инглиз тарихчиси Саймон Себаг-Монтефиорега кўра, уруш бошида Сталин «*нотўғри қарорлар қабул қилган. Улар сон-саноксиздир. Уларнинг орасида энг чидаб бўлмайдиганлари: 1941 йилнинг сентябрида гарчи барча генераллар Сталиндан Киев остидан қўшинларни олиб чиқишни сўраган бўлсада, у нацистларга бешта армиядан иборат ҳарбий гуруҳларни «қоп»га тушириш ва қириб ташлашга имкон берди. Фақат уруш охирига келибгина Сталин ҳарбий стратегга айланди ва ўз мамлакатини ғалабага олиб келди. Лекин нималар эвазига!»*

Даниель Ранкур-Лаферриернинг фикрига кўра, Сталин биронта Европа тилини билмаган, ёмон нотик бўлган ва у энг яхши ҳолатда ўртача назариячи деб ҳисобланган.

Сталин даврида бутун бошли илмий йўналишлар йўли тўсилган ва тақиқланган, кўплаб машҳур олимлар, муҳандислар ва шифокорларга нисбатан таъқиб қилиш уюштирилган бўлиб¹⁴⁰, бу мамлакат фани ва маданиятига жиддий зиён етказди¹⁴¹. Айрим ҳолатларда бу кампаниялар антисемитизм элементларидан иборат бўлган¹⁴². У ёки бу даражада ғоявий аралашув қуйидаги фанларга дахл қилди: физика, кимё, астрономия, тилшунослик, статистика, адабиётшунослик, фалсафа, социология, демография, иқтисодиёт, генетика, педология, тарих ва кибернетика. ЦУНХУ етакчи демографлари тахмин қилинган сон билан таққослаганда аҳолининг очарчилик оқибатида катта йўқотишларни натижалари ёқмаганлигини кўрсатиб берган. Натижада 1950-йиллар ўрталаригача Совет иттифоқида неча киши яшашини ҳеч ким билмасин.

¹⁴⁰ Алпатов В. М. История одного мифа. Марр и марризм. — М.: Наука, 1991. — ISBN 5-02-017117-4

¹⁴¹ Дэвид С. Салсберг. Как статистика перевернула науку в XX веке. Owl Books, 2001.

¹⁴² Куртуа С., Верт Н., Панне Ж.-Л., Пачковский А., Бартосек К., Марголин Дж.-Л. Чёрная книга коммунизма = Le Livre Noir du Communisme. — М.: Три века истории, 2001.

Тарих фанлари доктори Геннадий Костырченконинг таъкидлашича, Сталинга шахсий антисемитизм хос бўлиб, у инқилобдан олдинги даврда, 1920-йилларда троцкийчи мухолифатга қарши курашда намоён бўла бошлаган. Сталин сиёсий фаолиятининг илк йилларида кўзга ташлана бошлаган шахсий антисемитизмга бир қатор далиллар бор. Хусусан, инқилобгача бўлган даврда Сталин билан бирга сургунда бўлган Яков Свердловнинг шикоятлари бўйича сургундагилар виждон суди Сталинга антисемитизм учун танбеҳ берди. Свердловдан ташқари, Сталин антисемитизмини унинг қизи Светлана Аллилуева, собиқ котиби секретарь Борис Бажанов ва уни яқиндан билган бошқа бир қатор шахслар ўз хотираларида қайд этган. Бу ҳақида польшалик генерал Владислав Андерс ҳам ёдномаларида ёзиб қолдирган.

Сталин сиёсий мухолифлари, хусусан, Троцкийнинг яҳудий эканлигига диққатни торттиришга уялмасди. Яҳудийлар қисқа энциклопедияси баҳосига кўра, 1927 йил мухолифатни таъқиб қилиш қисман антисемит кампанияси характерида эга бўлган. Сталиннинг ўзи 1931 йил омма олдида антисемитизмни қаттиқ қоралайдиган расмий баёнот билан чиққан.

Улуғ Ватан урушидан кейин, 1948-1953 йилларда, СССРда бир қатор қатағон акциялари ва кампаниялари, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, яҳудийларга қарши характерга эга бўлган. Бундай акцияларнинг энг машҳурлари «космополитизмга қарши кураш», яҳудийлар антифашист қўмитасини тор-мор қилиш ва «Врачлар иши» бўлган. Геннадий Костырченко хотирлашича, «СССРда 1953 йил бошида ўринга эга бўлган расмий антисемитизм кўлами ўша пайтда мавжуд бўлган сиёсий-мафкуравий тизим доирасида бўлиши мумкин бўлган максимал даражада эди». Бу акциялар халқаро коммунистик ҳаракат вакилларида норозилик уйғотарди. Масалан, Говард Фастнинг таъкидлашича, 1949 йил АҚШ коммунистик партияси Миллий Қўмитаси ВКП (б) ни «чидаб бўлмайдиган антисемитизм ҳаракатлари»да расман айблаган.

РУҲИЙ ҲОЛАТИ

Сталиннинг руҳий саломатлиги психоаналитиклар, психиатрлар, психотерапевтлар, неврологлар, социологлар ва тарихчилар каби бир қатор экспертларнинг таҳлил ва тадқиқот объекти бўлган. Тадқиқотчилар Сталин характерида қуйидаги жиҳатларни қайд этадилар: нарциссизм, мағрурлик, социопатия, садизмга мойиллик, таъқиб васвасаси ва паранойя. Эрих Фромм деструктивлик ва

садизм даражаси бўйича Сталинни Гитлер ва Гиммлер билан бир қаторга қўяди. Тарихчи Роберт Такернинг таъкидлашича, Сталин ақлан носоғлом бўлган («паранойяни англатадиган руҳий кечинмалар узлуксизлигидаги патологик шахс»). Касаллик тарихи ва мурдани ёриш натижалари шуни кўрсатадики, Сталинда бир нечта ишемик инсульт (лакунар, лекин, эҳтимол, шунингдек атеротромботик ҳам) бўлган, бу эса, Жаҳон неврологлар федерацияси президенти В.Хачински фикрига кўра, нафақат қонтомир когнитив бузилишларига, балки руҳитнинг жуда тез бузилишига ҳам олиб келган.

СТАЛИНГА СССР ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИ БЕРГАН БАҲОЛАР

- КПСС МҚ биринчи котиби Н. С. Хрущёв КПСС XX съездида қилган «Шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида» маърузасида айтиб ўтганидек, Сталин «ғоявий кураш йўлидан маъмурий босим йўлига, оммавий қатағонлар йўлига, террор йўлига ўтиб кетган. У жазолаш органлари орқали тобора кенг ва қатъият билан ҳаракат қилган, бунда кўпинча мавжуд одоб-ахлоқ меъёрлари ва совет қонунларини бузган»¹⁴³.

- СССР собиқ президенти М. С. Горбачёвнинг сўзларига кўра, «Сталин бу – қўллари қонга белинган одам»¹⁴⁴.

- 2009 йил Россия Ҳукумати Раиси В. В. Путин айтдики, Сталин раҳбарлиги остида мамлакат «аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айланди. Тўғри, деҳқончилик йўқолди, лекин саноатлаштириш ҳақиқатда эришилди. Биз Улуғ Ватан урушида ғолиб чиқдик. Ким нима деса десин, лекин ғалаба қозонилди». Шу билан бирга, Путин қатағонларни «давлатни бошқаришнинг мақбул келмайдиган усули» деб атаган.

- Д. А. Медведев, Катъинь фожиаси ҳақида гапирар экан, бу «Сталин ва унинг бир қатор гумашталари жинояти» деб атаган¹⁴⁵. Президентнинг таъкидлашича, «Сталин ўз халқига қарши бир қатор жиноятлар содир этган... Ва унинг жуда кўп ишлаганига, унинг раҳбарлиги остида мамлакат жуда катта муваффақиятларга

¹⁴³ Хрущёв Н. С. О культе личности и его последствиях. Доклад XX съезду КПСС // Известия ЦК КПСС, 1989 г., № 3.

¹⁴⁴ Программа «Времена» В. В. Познера

¹⁴⁵ Д. Медведев: Трагедия с самолётом Л. Качиньского под Смоленском может сблизить Россию и Польшу. // www.rbc.ru

эришганига қарамай, ўз фуқароларига нисбатан қилинган ишларни кечириб бўлмайти».

ХАЛҚАРО АЙБЛОВЛАР

- **Украина:** 2010 йил 13 январда Киев шаҳри Апелляция суди Сталин ва бир қатор бошқа совет раҳбарларини бунинг оқибатида Украинада 3 млн 941 минг киши ҳалок бўлган 1932-1933 йиллардаги украин халқи геноцидида айбдор деб тан олган. Суд И. В. Сталин ва бошқаларга суддан олдинги тергов органи томонидан айблов уларнинг ўлими туфайли қўйилмагани ва қўйилиши мумкин эмаслигини, айблов ҳукми эса ушбу жиноий ишда чиқарилмаганини қайд этган. Суд геноцид бўйича қўзғатилган жиноий ишни И.В.Сталин ва бошқаларнинг ўлими туфайли ёпишга қарор қилган.

- **Европа иттифоқи:** Европанинг ПАСЕ ташкилоти ҳам Сталин сиёсатини қоралаган бўлиб, у ПАСЕнинг фикрига кўра, очарчиликка ва миллионлаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган. 2009 йил 2 апрелда Европа парламенти 23 августни сталинизм ва нацизм қурбонларини хотирлаш куни деб эълон қилиш ҳақида Декларация қабул қилди. Декларацияда қуйидагилар айтиб ўтилди: «сталинизм ва нацизм томонидан агрессия ҳаракатлари натижасида содир этилган оммавий депортациялар, қотилликлар ва озоликдан маҳрум қилишлар ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар тоифасига киради. Халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятларга нисбатан даъво муддати қўлланмайди».

МУСУЛМОНЛАРГА ҚАРШИ СТАЛИН РЕПРЕССИЯЛАРИ

Азоб-уқубатларга тўла тарих инсон ҳаётига нисбатан 20-30 йилларда амалга оширилган репрессия давридагидек очиқча нафратни кўрмаган. Бошдан оёғигача шармандаликка бурканган Сталин ўтмиши ҳаддан ташқари шуҳратпарастлик инсонни қонли жиноятларга бошлашини ҳаёт кўрсатади ва келажак учун бизга қаттиқ дарс беради. Виждон овозига қулоқ солган ҳолда ўша машъум йилларда содир бўлган воқеаларни шунчаки айтиб бўлмайти, чунки ўтмишсиз келажак йўқ ва келгусида бу каби фожиаларнинг вужудга келишидан қочиш учун биз тарихий ҳақиқат ва Аллоҳ таолонинг қонунлари билан ҳамжиҳатликда яшамоғимиз даркор. Ўзини энг мукамал даҳо деб санаган Иосиф Сталин ўлимига қадар ҳам давлатни фақат зўравонлик билан бошқариб

бўлмаслигини тушуниб етмади. СССРнинг ҳеч бир раҳбари ўтакетган адолатсизлик учун жавобгарлик юкини у каби ташимайди. Унинг тасдиқланган дунёқараши тарихига юзаки қарайдиганлар ёки содда инсонларгина унинг қўл остидагилар шунчалар жирканч қонунбузарликларни содир этганлигини Сталин билмаган деб ҳисоблашлари мумкин. Аслида, у нафақат буларнинг барчасини билган, балки уларни синфий душманларга нисбатан шафқатсиз бўлишга мажбур қилган ва ўша “душманлар” рўйхатига нафақат турли хил сабабларга кўра ўзига ёқмаганларни, балки уларнинг қари ота-оналари, хотинлари, ёш болалари, барча яқин ва узоқ қариндошларини ҳам киритган. Гуноҳкор ва маккор ҳукмдор тарихни ҳеч қачон алдай олмаслигини, кўплаб қон тўкилишига сабабчи бўлган қаҳри қаттиқ инсонларни дунёнинг бутун халқлари, барча динлари тўхтовсиз лаънатлашини унутиб қўйган. Уларнинг омонат дунёвий шухрати мана шундай тарзда ўтади, олдинда эса уларни ўзлари содир этган даҳшатлардан анчагина оғирроқ бўлган жаҳаннам азоби кутмоқда. 30 йиллардаги қайғули воқеаларни эслаш, албатта, инсонни азобга солади, лекин бу азобли фикрлар инсонни ёвузлик ҳақида мулоҳаза қилишга ва эзгуликка қадам босишга ундайди. Бу ёвузликдан фақатгина руҳий азоб чекиб фориг бўлиш мумкин. Ушбу фожеани ўйлаб ўтказилган қайғули тун ва кунлар – виждон учун имтиҳондир. Бу жуда оғриқли, лекин аянчли ҳақиқатдир. Ҳақиқатдан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсан. Ўша пайтда содир бўлганлар инсоният дунёси тозаланишга ва ўз руҳий ибтидосига мурожаат этишга муҳтож эканлигидан далолат беради. Ушбу кескин эҳтиёжни англаш шундоқ ҳам инсон ҳаётини ахлоқий жиҳатдан тушуниш йўқолиб кетган деб фараз қилинадиган замонавий жамият учун катта аҳамият касб этади. Лекин диний қадриятларни асос деб билган инсонлар томонидан эзгуликни танлашларига умид қилиш сақланиб қолган. Шундай қилиб, Совет ҳукумати томонидан дастлабки йилларда эълон қилинган виждон эркинлиги ва бошқа ҳуқуқлар марказда ҳам, жойларда ҳам бузиларди. СССРнинг ибодат қилувчи ва ибодат қилмайдиган фуқаролари ўртасида тенглик таъминланмаганди, конституцияда белгиланган динга тааллуқли кўрсатмалар умуман ижро этилмасди, Ислом ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Уртоқ Сталинни жосуслик хасталиги эгаллаб олгач эса 20-йилларнинг иккинчи ярми ва, айниқса, фожиали ўттизинчи йилларда, диний ташкилотлар суриштириб ўтирмасдан империализм ва фашизмнинг гумаштаси ва ҳамкори деб эълон қилинарди. Сталиннинг қўл остидагилар чарчамасдан имомлар ва руҳонийларга қарши даҳшатли айбловлар

ўйлаб топишардики, уларнинг орасида ўз Ватанини арзон гаровга сотиш ҳам бор эди. Натижада уларнинг аксарияти нима сабабдан ёмонликка дучор бўлаётганини билмасдан ўлиб кетди. Ахир мусулмон халқлари истиқомат қиладиган ҳудудларда дин хизматчиларининг бир қисми уларни қўллаб-қувватламаса, биринчи социалистик ўзгартиришларни амалга ошириш имконсиз бўларди. Масалан, бойларнинг ерларини қайта тақсимлашда эътиқоддаги деҳқонлар уларга бўлиб берилган ерларни олишдан бош тортадилар, уларнинг фикрига кўра, бу ерлар уларга тегишли эмас эди. Имомлар эса бу ҳолда истисно қилиш мумкинлигини уларга тушунтирар эдилар. Дин хизматчиларининг ўша даврдаги мурожаатномаларидан бирини мисол тариқасида келтириб ўтаман. Унда шундай дейилганди: “Кўп ери бўлган бойларнинг ўзи ерларини ерсиз деҳқонларга тақсимлаб беришлари лозим. Агарда улар ҳийла ва ёлғон йўллар билан тўплаган ортиқча ерларини ўзлари тарқатиб бермас эканлар, ерларнинг ҳукумат томонидан тақсимланиши ва деҳқонларнинг улардан фойдаланиши ҳаром ҳисобланмайди”. Улар нима сабабдан совет ҳукуматини қўллаб-қувватлашди? Имомлар асрлардан бери давом этиб келаётган ижтимоий тенгсизликни енгиб ўтишда, шу билан ўша даврдаги жамиятни андозадаги мусулмон адолатига яқинлаштиришда халққа ёрдам берадилар, деб умид қилишган. Лекин уларни инсофсизларча алдашди. Мусулмонларнинг қалбидаги ишончни абадий ўлдирди. Озиқ-овқат тайёрлашда маҳаллий вакиллар ислом дини хизматчиларига чўчка гўшти ва жунини топшириш талабини қўярдилар, қурби етмайдиган солиқлар белгилардилар, уларни тўлай олмаган имомларни судга топшириб, жаримага тортардилар ва маъмурий тартибда мол-мулкларини олиб қўярдилар. Сталиннинг жонкуяр хизматкорлари оғир меҳнатга ҳаттоки касаллар ва майиб-мажруҳ кексаларни ҳам жўнатишарди, соғайиш учун муҳлат ҳам беришмасди, буни айнан навбатдаги намоз бошланишидан олдин қилишарди. Кўпчилик жойларда қишлоқ хўжалиги кенгашлари томонидан имомлар ва уларнинг оила аъзоларини уйларига киргизиш қатъиян ман қилинганди. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, репрессияга учраган дин хизматчиларининг фарзандлари Беҳудага бошпана қидириб, қорда тунаб, оёқларини совуққа олдираддилар. Имомлар ва ибодат қилувчилардан Қуръон ва бошқа диний китоблар олиб қўйилар, оммавий тарзда масжидлар ёпиларди. Уларнинг кўпчилиги, ҳаттоки архитектура ёдгорлиги деб тан олинганлари ҳам, аёвсиз яксон қилинарди. Бир қисмидан эса хўжалик эҳтиёжлари учун омбор, пичанхона сифатида фойдаланила бошланган, ва табиийки,

буларнинг бари “кенг ишчи оммасининг истаги”га кўра амалга оширилганди. Айнан мана шу вақтда туркий тилдаги халқларнинг алифбосини лотинлаштириш ўтказилганди. Бу Сталиннинг вилоят ҳокимлари томонидан саводсизликни тугатишни “тезлаштириш” шиори остида амалга оширилган эди. Аҳмоқлар! Мусулмон минтақаларида минг йиллар давомида фойдаланиб келинган араб ҳарфлари билан саводсизликни яна ҳам тезроқ йўқ қилиш мумкин эди. Бир неча йилдан сўнг улар кирилл алифбосига ўтишга қарор қиладилар, лотин алифбосига ўтиш учун сарфланган ҳаракат ва ҳаражатлар, ҳавога улоқтирилган бўлди. Йирик маънавий, маданий ва тарихий қимматга эга бўлган диний китоблар барча жойларда йўқ қилиб ташланди. Диндорларнинг ҳуқуқлари мунтазам поймол этилди, болаларга ислом динини ўргатишга тўсқинлик кўрсатилди, масжиднинг даромадлари мислсиз солиқларга тортилди. Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси Ислом олимларининг қўлида бўлган материаллар билан тасдиқланади. Архивларда ўша пайтларда мусулмонларга нисбатан амалга оширилган чидаб бўлмас даражадаги ҳуқуқбузарликларга гувоҳлик берувчи катта миқдордаги ҳужжатлар сақланиб қолган. Улар бугунги кунда бизнинг томонимиздан қоралаш учун аниқ манба сифатида фойдаланилмоқда. 1930 йил 8 майда ВЦИК ҳайъатининг аъзоси, ўртоқ П. Смидович М.И. Калининга шундай деб ёзади: “Мусулмон динига доир ҳолат, бошқа динларга нисбатан ёмонроқ, лекин умуман олганда, барча динлар учун хос бўлган манзарада. Коллективлаштириш бўйича букишларни партия ғайрат билан амалга оширмоқда, диний фронтдаги букишлар ҳам давом этмоқда”. Ўша пайтда Турар Рисқулов ёзади: “Очликдан ўлган мусулмонлар сони жуда кўпчиликни ташкил этади”. Динга нисбатан бунчалар ваҳшиёна муносабатга мақбул изоҳни топиш мумкинми?! Социализмни қуришда дин нимаси билан халақит берган экан? Мен бу саволни бугунги кунда ўтмишни қўллаб-қувватлашга уринишларини ҳали ҳам қўймаётганларнинг барчасига бераяпман. XX асрнинг бошларига қадар Ўрта Осиёлик Ислом олимлари бутун мусулмон оламининг маънавий ҳаётида илғор бўлишган ва дунёнинг барча бурчакларида юксак ҳурматга сазовор бўлишган, лекин 20 йилларнинг охири 30 йилларда ушбу кенг минтақанинг маънавий марказлари яксон қилинди. Шунга қарамасдан, 2-жаҳон уруши бошланганда, тобора заифлашиб бораётган мусулмон маънавияти нацизмга қатъият билан қаршилик кўрсатиб, бу даҳшатлар ва қўрқинчли адолатсизликдан чиқа олди.

Ҳатто Сталин ҳам совет руҳонийларининг ватанпарварлиги ва мардлигидан бир мунча таъсирланади. Чунончи, у бундан олдин ўз лагерларида қанчадан-қанча ибодат қилувчи ва уларнинг имомлари отиб ташланганини жуда ҳам яхши биларди. 1943 йилда келган илиқлик узоқ давом этмади. 50 йилларнинг охирларида дин 1980 йилга қадар коммунизмни қуриш дастури билан боғлиқ яна бир қатор маъмурий таъқиқларга дуч келди. Жиддий илоҳиёт ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди, омон қолган Бухоро мадрасасида таълим дастури ҳукумат томонидан қатъий чекланган, талабаларни қабул қилиш чегараланган эди. Кўпчилик Ислом илмлари ўқитилмасди, кўпинча, ўқишга кирувчилар кўрқитилиб, дўқ-пўписа қилинарди ва у ерга ўқишга кириш ҳуқуқи эвазига КГБ билан яқиндан ҳамкорлик қилиш талаб этиларди. Шунинг учун ҳам бу мадраса битирувчилари замонавий муслмон олами ютуқлари билан яхши таниш эмаслиги, бор йўғи расм-русум масалаларини билишлари ва доимий моддий қийинчиликларни ҳис қилишлари унчалик ҳам ажабланарли эмас. Давлатимизнинг мустақиллиги эълон қилингандан кейингина муслмонлар ва бошқа динларга эътиқод қилувчилар носоғлом тушунчадан келиб чиқадиган таъқиб қилинишдан ва турли хил маъмурий чекловлардан озод бўлдилар. Охирги йилларда биз янгиланишларнинг, биринчи навбатда, сифатли янгиланишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бизнинг халқимиз дунёвий фикрлаш ва ҳаёт тарзини танлаган бўлсада, бу бизнинг эътиқодимизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаяпти, энг асосийси, бизнинг давлатчилигимизга яққол ифодаланган мақсадга қаратилган инсонпарварлик хосдир.

Интернет материаллар асосида
Абу Муслим тайёрлади